Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1993 йил 22 апрель • Пайшанба • № 46 (14074) ترکستان * TURKİSTAN Нархи 5 сўм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга

Қадрли Ислом Абдуғаниевич!

Сиз, азиз ва муҳтарам йўлбошчимиз, раҳнамоимиз сифатида халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини, фаровонлигини таъминлаш йўлида ғоят улуғ тарихий ишларни амалга оширяпсиз. Айниқса, ёш авлод таълим-тарбияси, иқтидорли ёшларни авайлаб-асраб камолга етказиш борасидаги хизматларингиз беқиёсдир. Биз буни дилдан ҳис қиляпмиз ва сизга чуқур миннатдорлик изҳор этамиз.

Мактаб ўқувчиларининг бу йилги республика фанлар олимпиадаси ҳамда иқтидорли болаларнинг республика слёти бизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирди. Чунки хоразмлик 12 ўқувчи фан синовларининг ғолиблари қаторидан ўрин эгаллади. Улардан битказувчи синфда таълим олаётган 8 нафар йигит-қиз республикадаги турли олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритди.

Иқтидорли болалар слётидаги танловларда эса 16 ғолиблик ўрнидан 11 тасини вилоятимиз ёшлари эгаллади.

Бизнинг муваффақиятларимиз, даставвал, республикамизда бевосита сизнинг раҳбарлигингизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар, биз учун яратиб берилган имкониятлар, қолаверса, устоз-мураббийларимиз туфайли эканини чуқур ҳис этмоқдамиз.

Биз, шунингдек, жонажон Ўзбекистонимизда, шу жумладан, вилоятимизда билимдон ва зиёли, чет тилларни мукаммал билувчи мутахассисларга эҳтиёж катта эканини, махсус дастурлар билан бошқариладиган мураккаб дастгоҳларда ишлаш, илмий кашфиётлар яратиш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш яқин келгусида бизнинг зиммамизга тушишини англаб турибмиз.

Шу сабабли сиз, қадрли Президентимизнинг, устозларимиз ва ота-оналаримизнинг ишончларини оқлашга, умидларга муносиб бўлиб етишишга ҳамиша астойдил ҳаракат қилаверамиз. Мустақил Ўзбекистонимизнинг шону шавкатини баланд кўтаришдек улуғвор ишга бутун қалбимиз билан интиламиз.

Сизга халқимиз, ёшларимизнинг бахт-саодати йўлидаги улуғвор ишларингизда сиҳат-саломатлик, улкан зафарлар тилаб қоламиз.

Республика фанлар олимпиадаси ҳамда иқтидорли болалар республика слёти ғолибларининг Хоразм вилоят ҳокимлигида ўтказилган учрашуви иштирокчилари.



Деҳқон биринчи довондан ошди. Уруғ қадаш режаси мўлжалдагидек бажарилди. Биринчи бор чигит кўмилган пайкалларда ҳосил ундиям. Ҳафта ўтар-ўтмас ғўзага ишлов бериш, суғориш, ўғитлаш, ягана қилиш бошланади.

Зафаробод туманидаги Беруний номли давлат хўжалиги деҳқонларидаям шу ташвиш. Улар ҳам деҳқончиликни ниҳоясига етказдилар. Урфга кўра, биринчи уруғни 80 ёшли қария Умар бобо Тўраев ерга ташлади. Ҳосилнинг баракали бўлишига фатво берилди.

Хўжаликка Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси бюроси аъзоси Мамадиёр Нуралиев етакчилик қилади. Илгари қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида хизмат қилган Мамадиёрнинг хўжаликни бошқараётганига икки йил бўлди.

— Бу ёғига эътиборимизни ҳосилни беками-кўст ундириш ва йиғиб олишга қаратиш билан биргаликда, далаларда меҳнат қилаётганларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратамиз, — дейди М. Нуралиев.

Нима дея олардик. Яхши ният билан деҳқончилик бошланибдими, қадоқ қўллар унинг роҳатиниям кўрсинда.

У. ҚЎШВОҚОВ олган суратлар.

Жиззах вилояти.

ҲОСИЛ ЧЎҒИ ОРТАДИ

Денов туманидаги «Наврўз» давлат хўжалиги деҳқонлари бу йил минг гектар ерга чигитни лазер билан нурлантириб экдилар. Бунда уруғ тез униб чиқади, ғўзага ишлов бериш осонлашади. Ўтган йили шундай майдонларда ҳосилдорлик гектар бошига ўртача уч центнер ортиб, чигитни нурлантириш учун сарфланган ҳар бир сўм 25 сўмгача даромад келтирди.

Сурхондарё вилояти.

(ЎзА мухбири).

Энг сўнгги хабар

АЛОҚАЛАР ПАЙВАНДЛАНАДИ

Киевдаги академик Потон номидаги машҳур пайвандлаш олийгоҳи билан Урганч экскаватор -таъмирлаш заводи ўртасида янги шартнома имзоланди. Шу шартномага кўра эндиликда Хоразмда ҳам пайвандлаш симлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Бу ҳаммаси эмас. Келишилган шартномага кўра яқин фурсатларда бу ерларда ярим автоматик ва автоматик пайвандлаш дастгоҳлари ишлаб чиқариш ҳам мумкин бўлади.

Бу яхши ишлар қачон амалга ошади, дерсиз? Жуда яқин фурсатларда. Яъни, ҳозирда заводни қайта лойиҳа асосида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Худди шу жараёнда янги дастгоҳлар ҳам ўрнатилиб, улар тезда янги турдаги маҳсулотни бера бошлайдилар.

ЎРГАНИШ УЧУН ЧИН-МОЧИНГА

Хоразм ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси Хитойдаги «Цзянь-Су» фирмаси билан ҳамкорликда баҳмал мато ишлаб чиқаришни йўлга қўйганди. Дастгоҳлар ўрнатилди, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқара бошланди.

Лекин, ҳар бир ишни шу соҳанинг устамони қилсин экан. Келишилган шартномага кўра ипакчилик бирлашмасининг ўттиз нафар ёш ишчиси Хитойга бориб, иш ўрганиб келишади. Хитойча дастгоҳларда ишлашни ўрганиш учун уч ойлик муддат етиб ортади. Бу даврда улар шу юртдаги ҳамкасбларининг иш шароитлари, яшаш тарзлари билан ҳам танишадилар. Қайтиб келгач эса ўзлари шу дастгоҳларни бошқаришади, келгусида бошқаларни ҳам шу касбга ўргатишади.

ОЛМОНИЯДА ХИВА ГИЛАМЛАРИ

Хива гиламларининг таърифи юрт ошган. Нафақат МДҲ давлатлари ва балки бошқа бир қатор хорижий давлатлар ҳам комбинат билан ҳамкорлик ва савдо-сотиқ алоқаларини аллақачонлар йўлга қўйишган.

Яқинда гилам комбинати Олмонияга гилам жўнатиш тўғрисида жуда йирик буюртма олди. Шу буюртмага кўра олмонларнинг «Текспроект» фирмаси манзилгоҳига бирданига 50 минг квадрат метр гилам жўнатилади.

Бу гиламларнинг нави юқорилиги ва жаҳон андозаларига тўла жавоб бериши махсус ҳужжатларда ўз далолатини топган. Айтиш мумкинки, бу Хоразмдан хорижга шундай усулда жўнатилган дастлабки маҳсулотдир.

Олмонияга сотиладиган гиламлардан тушган барча маблағ комбинатнинг иккинчи навбати қурилишини жадаллаштиришга ишлатилади. Агарда бирлашманинг иккинчи навбати ҳам ишга тушиб, тўла қувват билан ишлай бошласа, давлатимизнинг гиламга бўлган эҳтиёжининг ярмидан кўпроғини қоплаши мумкин.

«МЕҲР»НИНГ ТАФТИ

Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳрида уч минг нафар нафақачи яшайди. Нафақа пули дастлаб вилоят, туман алоқа бўлими, ундан кейин эса ижтимоий таъминот бўлими орқали уларнинг қўлига келиб теккунича анча вақт ўтарди. Бунинг устига нафақанинг 5 фоизи ана шу хизмат учун олиб қолинар эди.

Оқтош шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига қарашли «Меҳр» кичик корхонаси бу ишни зиммага олгандан кейин аҳвол ўзгарди. Ҳозир корхонанинг ўн бир нафар хизматчиси ойнинг бошларидаёқ нафақаларни эгаларига элтиб беряпти. Хизмат ҳақи ҳам унча кўп эмас: атиги 2,5 фоиз. Корхона хизматчилари кейинги уч ой давомида шу йўл билан тушган пулнинг юз минг сўмини шаҳардаги «Ғамхўрлик» жамғармасига ўтказди. Бунинг натижасида ўн бир нафар якка-ёлғиз бева-бечорага ҳар куни бепул тушлик бериладиган бўлди.

«УЛ МУБОРАК ТУРКИСТОНДИН»

Республикамизда «1993 йил — Аҳмад Яссавий йили» деб эълон қилиниши улуғ иш бўлди. Табаррук инсонни хотирлаб элимизнинг барча вилоят, туман, қишлоқларида турли ижодий кечалар, тадбирлар ўтказилаяпти.

Пойтахтдаги Низомий номли 214-ўрта мактабда буюк донишманд Аҳмад Яссавийга бағишланган кеча бўлиб ўтди.

— Юртимизнинг бой ўтмиш тарихини, буюк боболаримиз меросини авлодларга тўғри ва аниқ далиллар билан етказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарздир — деди мактаб директори Рустам ака Жалилов.

Адабий кечада санъаткорлар Неъмат Қулабдуллаев, Маъмуржон Машрабов ўзининг дилрабо куй ва қўшиқлари билан, шоирлар Чоршаъм Рўзи, Яҳё Тоға лирик, ҳажвий шеър, ғазалларидан намуналар ўқиб йиғилганлар кўнглини хуш этдилар. Мазмунли ва мароқли ўтган кеча барчада илиқ таассурот қолдирди.

М. ТУГАЛОВ.

Ёшларнинг ўз байрами бўлсин

(8 АПРЕЛЬ 1993 ЙИЛ)

Акс-садо

ЎЗ НОМИ ЎЗИ БИЛАН

Мустақил жумҳуриятимиз мана иккинчи йилдирки, ўтиш даврига хос бўлган мураккабликларни бошдан кечирмоқда. Шукурлар бўлсинким, ижтимоий-иқтисодий зиддиятлар бизнинг мамлакатимизда талофатсиз кечаётир. Бунинг сабаби бизда ёшлар муаммоларига, ёшлар тарбиясига кўпроқ эътибор берилганида, деб ўйлайман. Ёш авлодни жумҳуриятимизнинг муносиб фуқаролари қилиб етиштириш, иқтидорли, етук, билимдон мутахассисларни тайёрлаш, бу соҳадаги ишларни умумжаҳон даражасига кўтариш, истеъдодли ёшларни дунёда тан олинган билимгоҳларда ўқитиш каби давлат аҳамиятига молик тадбирларга алоҳида эътибор берияпти. Бу соҳада бор имкониятлар ишга солиняпти.

Шу маънода ёшлар байрамини нишонлаш таклифи кўнгилдагидек бўлди. ХДП Фарғона вилоят кенгаши фаоллари ҳам бу таклифни ўрганиб чиқдик Биз уни майнинг биринчи ҳафтасида ўтказишни таклиф этардик. Сабабини изоҳлаб берай, 3—8 май кунлари Фарғона шаҳрида республика ижодкор студент-ёшларнинг I фестивали бўлиб ўтади. Бу фестивалда республикамиз вилоятларидан, ҳамдўстлик мамлакатларидан, ҳатто чет эллардан 300 нафарга яқин талаба-ёшлар қатнашиши кутилмоқда. Фестивални ўтказишдан асосий мақсад республикамиз келажагини мустаҳкамлашда ва ривожлантириш борасида талаба ёшларнинг ижодий ташаббусини кенгайтириш, иқтидорли ёшларни аниқлашдир. Ҳозирда бу фестивални эсда қоларли қилиб ўтказиш учун тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Менинг назаримда худди ана шу фестиваль ёшлар байрамининг бошланиши бўлиши керак. Шу кунларда бошқа вилоятларда ҳам ёшлар байрамлари ўтказилиши керак. Унинг қандай номланишига келсак, ўз номи ўзи билан Ёшлар байрами бўла қолсин.

Г. МАЪРУФОВА,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилояти Кенгашининг иккинчи котиби.

Ўтиш даври сабоқлари

ОБРЎНИНГ ҚАЙТИШИ

Ўтган уч йил ёшлар, уларнинг ташкилоти ҳаётига кўп ўзгаришларни олиб кирди. Илгари довруғ таратган ташкилотнинг фаолияти сусайиб бораверди. Ахири уни йўқламай қўйдилар. Бунда ёшларнинг айби бормиди? Йўқ. Сиёсий ўзгаришлар, иқтисодий танглик сабабчи эди бунга. Шу эътиборсизликлар туфайли йигит-қизлар ўз ташкилотини менсимай қўйди. Мавқеи пасайган ташкилот билетини олиб юришни ор билганларам бўлди.

Ҳозирам айрим ташкилотларда шу тушкунлик даври ҳукмрон. Биров қаердан келдинг, нимага келдинг, демайди. Чўлни ўзлаштириш, юртнинг энг оғир юмушларини енгиллаштириш вақтида комсомол керак эди, дейишади айримлар. Ҳамма ўз фикрини айта олиш ҳуқуқига эга. Аммо бугун ёшлар иттифоқи керакмас, дейиш барибир ғалати. Ёшлар ташкилоти бўлган. Бўлаверадиям. Фақат унга иш, услубларини ўзгартириб, даврга мослаб бораверадиган йўналиш даркор. Бунинг учун шу даврга, мустақил Ватанимизга хос довюрак етакчилар керак.

Вилоят Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг саркотиби Муҳаббат Саидмуродова тажрибали етакчи. У ёшлар ташкилотини яхши кундаям, оғир иқтисодий танглик чоғидаям «бошини» силади. Ундаги мулоҳазалиликни, қатъиятлиликни кўпчилик ҳурмат қилади. Залга йиғилган 135 нафар делегат опанинг маърузасини эътибор бериб тинглади. Музокаралар самимий, ҳис-ҳаяжонсиз бўлди.

Қашқадарё воҳаси катта диёр. Муаммо, ютуқлари шунга яраша. Ҳозиргача ёшлар ташкилотининг 1604 та бошланғич ташкилоти бор. Унда бирлашган йигит-қизлар сони 186 минг 840 нафар. Ўшандаймиди, вилоятда бирон-бир ташкилот, ишхона йўққи, унинг асосини ёшлар ташкил қилмаган бўлсин.

Ўтиш даври аъзолар сонигаям таъсир қилди. Агар комсомол ташкилотининг 1990 йил 220000 аъзоси бўлса, орадан бир йил ўтгач, Ёшлар Иттифоқи даврида бу кўрсаткич 37500 тага қисқарди.

Ҳар бир ташкилот, уюшма ўз сафини ўстиришга, унинг эртаси, истиқболи бўлган авлодга эътиборни кучайтиришга уринади. Ёшлар Иттифоқининг истиқболини эса мактаб ўқувчилари белгилайди. Вилоятдаям шу. Биргина ўтган йилда 15 минг ўқувчи ташкилотга аъзо бўлиб кирди.

(Давоми 2-бетда).

Қўллаб-қувватлаймиз

«Ёшларнинг ўз байрами бўлсин» рукни остида муштарийлар билан биргаликда ёшлар сардорлари, ўқитувчилар ҳам ўз фикр ва таклифлари билан чиқишмоқда.

Биз — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг талабалари номидан барча республикамиз ёшларининг фикрлари ва таклифларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўз истакларимизни ҳам баён этмоқчимиз:

1 сентябрь — Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни. Мактабларда, ўқув юртларида дарслар бошланадиган кун. Шу кундан бошлаб, ўқувчию-талабалар ёзги таътил кунлари, амалиёт, дам олиш таассуротлари билан ўртоқлашадилар. Соғинган қадрдон даргоҳларида кечалар, байрамлар ўтказишни истаб қоладилар, Сир эмаски, комсомол қўмиталари бор пайтда «Ёшлар карнаваллари» уюштирилиб, байналмилал кечалар, спорт мусобақалари, «Ёш аскиячилар», «Ёш истеъдод эгаси» каби турли кўрик конкурслар уюштириларди. Қолаверса, куз ойининг дастлабки пишиқчилик ойида қатор қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиб-териб олиш олдидан барча ёшлар байрам қилишардилар.

Ана шундай анъаналаримизни қайта тиклаш мақсадида таклифимиз: **«ҳар сентябрь ойининг иккинчи дам олиш куни — Ёшлар байрами»** куни деб тасдиқланса.

Бу таклиф талабалар, ёш олимлар, ўқитувчи ва ходимларимиз ўртасида кенг муҳокама этилиб, ана шу истакни тавсия этдилар.

А. АБДУҒАФФОРОВ,
ТТЕСИ ректорининг муовини.

* * *

Худди шу мазмундаги хатларни биз Сирдарё вилояти Ховос тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитаси биринчи котиби Фахриддин Абдусатторов, Қашқадарё вилояти, Ёшлар Иттифоқи қўмитаси котиби Б. Юсуповлардан олдик.

Ф. Абдусатторов, **5 апрель** — Ёшлар Иттифоқи ташкил топган кун. Ўзбекистонда кўп минглаб ёшларнинг номидан гапирувчи, ҳимоячиси бўлмиш ягона шу ташкилот фаолият кўрсатади. Демак, бу кун **ёшлар байрами** сифатида нишонланса, айни муддао бўларди, деган фикрни билдиради.

Б. Юсупов эса **апрель ойи** ёшларнинг **бирдамлик ойи** бўлишини таклиф этади.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЕСАТИНИНГ ҚАРОРИ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ УН ИККИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТУҒРИСИДА

Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати

қарор қилади:

Ун иккинчи чақириқ Узбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи сессияси 1993 йил 6 майда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Узбекистон Республикаси Олий
Кенгашининг Раиси

Ш. ЙУЛДОШЕВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 20 апрель.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ УН ИККИНЧИ СЕССИЯСИ МУҲОКАМАСИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРНИ КИРИТИШ НАЗАРДА ТУТИЛАДИ:

1. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
2. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида.
3. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
4. Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасидаги дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида.
5. «Ер солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
6. «Суғурта тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
7. «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
8. «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
9. «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
10. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
11. «Ҳокимлар ва маҳаллий давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
12. «Турар жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
13. «Мулкчилик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
14. «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
15. «Тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
16. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
17. «Ер тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
18. «Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиш белгилари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
19. «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида.
20. Ўзбекистон Республикаси ҳаво кодекси лойиҳаси тўғрисида.
21. Халқаро фуқаро авиацияси тўғрисидаги конвенцияга доир тузатишларни ратификация қилиш ҳақида.
22. «Умумфойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
23. «Жамиятни ахборотлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
24. «Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ҳақида.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида.
26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг қарорларини тасдиқлаш тўғрисида.
28. Ўзбекистон Республикасининг давлатлар ҳамда ажнабий шахслар ўртасидаги инвестицияга доир низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисидаги конвенцияга қўшилиши ҳақида.
29. Айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида.

ОБРЎНИНГ ҚАЙТИШИ

(Боши 1-бетда)

Иш жойларидаги қисқартиришлар ёки ишлаб чиқариш корхоналарининг камлиги кўпгина муаммоларни келтириб олинган 65 мингдан ортиқ ишчиқарди. Вилоятда рўйхатга сизнинг 20500 нафарини йигит-қизлар ташкил этади. Ўз-ўзидан бу муаммони ечишдаям Ёшлар Иттифоқи четда қолмади. Икки-уч йил бурун шу мақсадда ташкилот қошида 30 дан зиёд кичик корхоналар ташкил этилди. Унга ишсизлар жалб қилинди. Аммо ўтган йили бу корхоналар сони қисқарди. 20 дан зиёди фаолиятини тўхтатди. Бунга сабаб иқтисодий танглик, жиҳозлар етишмаслиги, солиқнинг ҳаддан зиёд кўплиги эди. «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонунда шу тарздаги кичик корхоналарга имтиёз берилиши кўрсатилган бўлса-да, амал қилинмаётганига ачинади киши. Натижада яна ишсизлик ортяпти. Бекорчи қолган ёшлар ўзини овунтириш учун бемаънилик қилишдан тоймаяптилар.

Яна бир таянч талабалардир.

Эртанинг тегирмонини айлантирувчи куч-да, улар. Ўшанданда улар ҳамиша ёшлар ташкилоти эътиборида. Вилоятда учта олий билимгоҳ, 14 та ўрта махсус ўқув юрти бор. Уларда 26403 нафар талаба таҳсил олади. Иқтидорли ёшларни рағбатлантириб туриш мақсадида 1992 йилда вилоят ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун Ёшлар Иттифоқи стипендияси таъсис этилди.

Бозор иқтисодиётининг ҳозирги тақчиллиги ёшлар ташкилотининг имкониятини чеклаб қўйган бўлса-да, улар бу танглик давридан чиқиш йўлларини қидираяптилар. Айтиладиган бўлса, Косон тумани қўмитаси қошида «Ниҳол» тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Тўгарак ёш ижодкор ўқитувчилар, иқтидорли қаламкаш ўқувчиларни ўзида бирлаштирган. Туман қўмитаси тўгаракнинг мунтазам фаолият кўрсатиши учун маблағ билан таъминлаб турибди. Усмон Юсупов, Яккабоғ туманлари ва Қарши шаҳри қўмиталари жамоатчи ва иқтидорли ўқувчиларни рағбатлантириш мақсадида ўз стипендияларини ташкил қилишди. 1992 йилда 200 нафар юқори синф ўқувчилари ҳар хил кўрик-танловларнинг ғолиби деб топилиб, стипендияларни мунтазам равишда олиб турдилар. Косон туманида ташкил қилинган ёшлар жамғармаси ҳисобидан мавжуд 76 мактабнинг ҳар бирида биттадан ўқувчи шу йилдан бошлаб 200 сўмдан стипендия ола бошлади.

Қашқадарё воҳасида миллатнинг буюк фарзандлари камол топган. Уларнинг номи мағрибдан машриққача аён. Бугун куртак ёзаётганлар ичидаям шундайлар бордир. Фақат унга эътибор қаратиш орқалигина иқтидорини билиш табиий. Бу хоҳ илмиёт бобида, хоҳ полвонлик, хоҳ айтишув бобида бўлсин барибир. «Ўқитувчи—92» республика танловида Шаҳрисабздаги Жомий номли мактаб муаллими Я. Авлиёқуловнинг ғолиб чиқиши бежиз эмасдир. Кўп такрорланганидек талантни меҳнат, изланиш, қизиқиш юзага олиб чиқади. Буни эътиборга олган вилоят Ёшлар Иттифоқи мактаб ўқувчилари орасидан иқтидорлиларни топишга аҳд қилди. Ўтган уч йил давомида ёш ижодкорларнинг «Менинг биринчи китобчам» конкурси ўтказиб келиняпти. Азалдан шеърият, шоирлар юрти бўлган воҳада талант соҳиблари кўп экан. Муҳаббат Элбоева, Норбек Тошниёзов, Ҳуснора Самадова, Гавҳар Хўжаева, Дилфуза Расул қизининг илк тўпламлари чоп этилди. Элга танилди.

Мўйқалам соҳибларига эътибор беришдан кўзланган мақсад ҳам шу эди. 1993 йилнинг январь ойида яхши ният билан танлов ўтказилди. «Ёш мусаввир» кўригида вилоятдаги санъат оламининг мурғак истеъдодлари иштирок этишди. Ижодий ишнинг кўргазмаси таҳлил этилгач, Қарши туманидаги Энгельс номли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Нилуфар Ашурова ижодига биринчи мукофот берилди.

Назаримда комсомолнинг номи ўзгариши туфайли кўпгина яхши анъаналардан юз ўгирдик, ёки эътиборсиз қолдирилди. Ўқувчиларнинг ёзги таътилини олинг. Илгари унга эътибор қандайлигини ҳамма билади. Ҳозирда эса йўқ ҳисоби. Юқори синф ўқувчилари бўйича бош қотирувчи ташкилотлар қолмади, десаям бўлаверади. 1990—91 йилларда вилоятда 120 та меҳнат-роҳат лагери, 30 дан зиёд ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари фаолият кўрсатган эди. 1992 йилга келиб бирортаям меҳнат-роҳат лагери қолмади. Ҳамма нарса муаммолар ичига қоришиб кетди. Оғир иқтисодий танглик чоғида юқори, қуйи синф ўқувчисини савдогарчиликка ружу қўйдиргандан кўра, ишлаб кун кўриш мазмунини англатган афзал эмасми?!

Йигитлар Ватаннинг таянчи. Қўриқчи, посбони. Мустақиллик нашидасини тотаётган Ўзбекистонимизни ҳимоя қилиш ҳам улар қўлида. Юртини озод кўрмоқ истагида бўлган қашқадарёлик йигитлар ҳам ҳарбий хизматни ўташни бахт деб биладилар. Ёшлар Иттифоқи ҳарбий комиссариат билан ҳамкорлик қиларкан, аскарлик ёшидаги ўғлонларда Ватан рамзи, байроғи, мадҳини улуғлаш, ҳурмат қилиш масъулиятини янада орттиради. Аммо бунинг унчалар оммавийлашмаганиниям айтиш даркор. Ҳарбийга кетаётганлар билан учрашувлар уюштириш тўхтаб қолди. Баъзан ким аскарликка кетяпти, ким хизматни ўтаб қайтди, билинмайди. Ўшанданми, ҳарбий чақириқ қоғозини қўлга олгач, хизматдан бош тортаётганлар ҳам топилиб туради.

Ҳукуматимиз спортни ривожлантиришга алоҳида кўрсатма берди. Қарор қабул қилинди. Вилоятдаям сусайиб қолган спорт ўйинлари яна бўй кўрсатар. Ҳам баҳона, ҳам сабаб бўлаётган маблағ муаммосиям ечилар. Мабодо маблағ масаласи кўндаланг бўлиб тураверилар экан, спорт билан шуғулланувчи, қизиқувчи йигит-қизларимизнинг истак-хоҳишлари сўниб бораверади. Ўзбекистон футболчиларининг олий табақаси чемпионатида неча йиллардан буён қашқадарёлик йигитлар ўйнашдан бенасиб қолаётганликлари сабабиям шундандир.

Муҳаббат Саидмуродованинг ҳисобот маърузаси тинглангач, музокаралар бошланди. Аммо сўзга чиқувчилар кам эди. Фикр билдираётганлар вазмин мулоҳаза юритардилар. Ора-чорада ҳис-ҳаяжонли, баландпарвоз гаплар ҳам бўлди.

Конференция ишида вилоят ҳокими Т. П. Ҳидиров, вилоят ХДП биринчи котиби Ф. Омонов, туман, шаҳарларнинг ҳокимлари, ХДП биринчи котибларининг иштироки ЁИга ҳурмат эмасми?

Конференция ишида қатнашган Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Орзиматов бунга тўғри муносабат билдирди.

— Биз вилоят ҳокимини конференцияда қатнашишларидан хурсанд бўлиш ўрнига, залдан чиқишларини сўрашимиз қанақаси бўлди? Қайтанга бундан фойдаланишимиз керак-ку?

Ҳокимнинг иштирокида айтилмаган фикр иғво бўлади. Мард бўлса камчиликни юзига айтсин. Тузатиш йўллари бирга топилармиди?

Сўз оларкан вилоят ҳокими асосий эътиборни ёшлар орасида жиноятчилик кўпаётганига қаратди.

— Биз ёшларнинг эҳтиёжлари, ҳоҳиш-истаклари билан ҳисоблашмас эканмиз, орамиздаги фарқ йироқлашиб қолаверади. Йигит-қизларга муносабат улар аъзо бўлиб турган Ёшлар Иттифоқига муносабатда билинади.

Ҳақиқатни айтганда турли жамғармалар, хайр-эҳсон йиғувчи ташкилотлар кўпайиб кетди. Бироқ ёшлар ташкилоти ҳақида қайғурувчилар, хайрихоҳ билдирувчи ҳомийлар топилмаяпти. Натижада Чироқчи, Деҳқонобод, Шаҳрисабз ёшлар ташкилотларидаги муаммолар ҳал бўлмаяпти. Уч-тўрт ойдан буён маош ололмаётган етакчилар бор.

Уч йил давомида йиғилиб қолган яхши — ёмон ишларнинг барчасини қисқа вақтда айтиб улгуролмаслик табиий. Умумий йўналишда эса Ёшлар Иттифоқининг фаолияти қониқарли, деб топилди.

Конференцияда Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Комилжон Жуманиёзов қатнашди.

Вилоят ҳокими Т. П. Ҳидиров конференциядан кейин барча туман, шаҳар ҳокимлари, ХДП биринчи котиблари, биринчи шахслар билан учрашиб, ёшларга жиддий эътибор қаратиш, ташкилот мавқесини ошириш ҳақида топшириқ берди.

Кўп ҳолларда шундай бўлади. Мажлис чоғида қуйиб-пишиб фикрлар билдирилади. Ўртага маъқул таклифлар ташланади. Эшикдан чиққач, ҳаммаси залда қолгандай. Унут бўлади. Қашқадарё ёшларининг йиғинидан сўнг эса тамомила бошқача бўлди. Биринчилардан бўлиб Китоб тумани ҳокими О. Д. Парманов ёшлар ташкилоти мавқеини тиклашга қатъий киришди. Туманда Ёшлар Иттифоқи фаолият кўрсатаётгани корхона, ташкилотлар раҳбарлари эсига туширилди.

Қурбон АЛИ,
«Туркистон»нинг ўз мухбири.
Қашқадарё вилояти.

КЕЧА БУГУН ЭРТАГА

● **ЧЕЧЕН** Президенти Жоҳар Дудаев парламентни тарқатиб, Президент бошқарувига ўтказиш тўғрисида фармон чиқаргандан сўнг республикада аҳвол янада мушкуллашди.

Конституция суди эса Президентнинг бу қарорини асоссиз, деб топди.

● **ҚИРҒИЗИСТОН** ўзининг валютасини муомалага киритишга мажбур бўлмоқда, деб таъкидлади журналистлар билан бўлган учрашувда республика Бош Вазири Турсунбек Чингишев. Президент Асқар Акаев ҳам Қирғизистон парламенти сессиясининг ўтган кунги мажлисида сўзга чиқиб, дарҳол миллий валюта жорий этишга чақирди.

● **ҚОЗОҒИСТОН** пойтахти — Алматида жаҳон иқтисодий анжумани бўлиб ўтди. Республика иқтисодиёт вазирлигидан маълум қилишларича, унда дунёдаги энг йирик халқаро ташкилотларнинг ҳамда 30 та мамлакат миллий компаниялари, фирмалари ва банкларининг раҳбарлари қатнашдилар.

● **РОССИЯ** космонавтлари Геннадий Манаков билан Александр Полешчук 19 апрель кечқурун очиқ космик фазога чиқдилар ва «Квант» астрофизика модулида қуёш батареяларининг электр асбобларини монтаж қилиш соҳасидаги ишларнинг биринчи босқичини бажардилар.

● **ЎЗБЕКИСТОНГА** Венгриядан мўътабар делегация амалий ташриф буюрди. Унга Венгрия ташқи ишлар вазирлигининг Давлат котиби А. Келемен бошчилик қилмоқда. Сафардан кузатилган мақсад иккала давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни йўлга қўйишдан иборат.

Сўз хизмат тури ва унинг сифати, кафолати ҳақида бораяпти. Ҳозирги иқтисодий қийинчилик замонасида бор пулингизга сифатли мол олиш ва унинг «умри»ни узайтириш ҳаммасидан муҳим. Агарда бу мол техника воситаси бўлса янада яхши.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл шаҳридаги Белорусь трактор заводининг Сервис маркази директори Исмоил ака ҚОСИМОВ билан суҳбатимиз шу ҳақда.

Исмоил ҚОСИМОВ:

«СЕРВИС — КАФОЛАТИ ЮЗ!»

— Исмоил ака, маҳаллий нашрларда Сиз очган янги корхона ҳақида турли маълумотлар пайдо бўлди. Ҳатто Тўрткўлда «Белорусь» маркали тракторлар ишлаб чиқариладиган завод қурилибди, деган гап-сўзлар бўлди.

— Йўқ, биз бирор трактор, техника воситаси ишлаб чиқармаймиз. Биласизларми ушбу вақтда Қорақалпоғистоннинг ўзида уч минг дона «МТ» маркали трактор бор. Тўрткўлда эса олти юзта. Собиқ Иттифоқнинг тарқаб кетиши, марказлашган таъминотнинг барбод бўлиши билан мазкур маркадаги тракторлари бўлган хўжаликлар, корхоналар анча қийналиб қолишди. Қимматчилик замонасида эски тракторлардан имкон қадар фойдаланиш ҳар бир раҳбарнинг орзуси. Бу ёқда эса мазкур тракторларнинг эҳтиёт қисмлари кам. Йўқ ҳисоби. Белорусдаги трактор заводидан келтириш учун эса шартнома керак, тил топишиш зарур. Худди шу мақсадда амалдаги йилнинг февраль ойида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси Р. Йўлдошев Минск трактор ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори И. Крешовга «Республикада МТЗ маркали тракторларни сотиш, уларга техник хизмат ва эҳтиёт қисмлар етказиб бериш бўйича ҳудудий марказ тузиш» таклифи билан мурожаат қилди. Бу сервис маркази эса «Югкаракалпакстрой» тресті қошида — яъни шу ерда очилди.

— Ҳали иш бошлаганингизга атиги икки ойча вақт бўлибди. Шу даврда дастлабки эришилган ютуқ нимада бўлди?

— «Осиё — Континенталь» Халқаро савдо уйи воситачилигида (яъни пул ўтказиш) Минскдан шартнома бўйича 9 дона трактор олдик. Ва яна шу маркадаги тракторлар учун тўққиз дона мотор двигатели ҳам.

— Булар бошламаси экан, шартнома йил давомидаги ҳамкорлик учун тузилган бўлса керак? Умуман, йил давомида Минск трактор заводи қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган трактор ва уларнинг эҳтиёт қисмларидан қанча миқдор бермоқчи?

— Бу йилги шартномада жами икки юз дона трактор оламиз. «МТЗ—80 У» «МТЗ—80 Л», «МТЗ—82 Х» ва «МТЗ—82 Л» маркали тракторларнинг ҳозирда жуда камёб бўлган 120 турдаги эҳтиёт қисмларини ҳам келтирамиз. Эҳтиёт қисмларнинг сони ва салмоғи эса анча кўп.

— Бу техника воситаларини харид қилиш тартиби қандай?

— Бизнинг идорамиз «сервис» мақомини олиши боиси — ҳар бир сотилган трактор бизнинг доимий «ҳисобимиз»да туради. Яъни, сотиб олган ташкилот, хўжалик эгаси бўлди-ю, унинг зарур эҳтиёт қисмларини биз етказиб ва уни ўрнатиб ҳам берамиз. Шу мақсадда бизда иккита махсус техник хизмат кўрсатиш бригадаси ҳам тузилган. Улар аллақачон ишни бошлаб юборишган.

— Юқорида Минск заводи билан «тил топишиш» деган иборани ишлатиб кетдингиз. Нега келиб-келиб Марказ шу ерда очилди. Айтайлик, бирор марказий шаҳарда эмас.

— Бизлар олдинлар ҳам шу завод билан доимо борди-келди қилардик. У ерда бизнинг кўпгина йигитлар мавсумий ишлаб келишган. Ҳатто ҳозир ҳам меҳнат қилишяпти. Худди шу «борди-келди» охир оқибатда шартнома тузишимиз ва Сервис маркази очишимизга замин бўлди.

— Албатта, маҳаллий раҳбарлар ҳам қўллаб-қувватлаган, амалий ёрдам беришган бўлишса керак?

— Шу ўринда бизга яқиндан ёрдам берган ва бераётган, Марказ очилишида бошқош бўлган Тўрткўл ҳокими Ғани ака Ҳожиевга ва трест бошқарувчиси Сафарбой Оразимбетовларга кўпдан-кўп раҳмат айтгимиз келади.

— Сизлар кўзлаган мақсад эзгу. Ҳозирда асосан қишлоқ хўжалигига асосланган давлатимизда турли маркадаги тракторлар ва уларнинг зарурий эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш бирданига бўладиган иш эмас. Даладаги ишлар эса кутиб турмайди. Шундай пайтда деҳқоннинг оғирини енгил қилиш, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор имконларни ишга солиш ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир фуқаронинг бурчи бўлмоғи керак.

Айтмоқчимизки, ҳозирданоқ сизлар билан шартнома тузмоқчи ва ҳамкорлик қилмоқчи бўлган корхона, ташкилот ва хўжаликларга нималарни таклиф қилган бўлардингиз?

— Ҳали иш бошлаганимизга икки ой бўлмасдан мижозлар сони кун сайин кўпайиб бормоқда. Бошқа вилоятлардан буюртмалар келмоқда. Мана куни кеча Хоразм вилояти Хонқа туманидаги бир хўжалик билан «К—700» трактори шиналари етказиб бериш ҳақида шартнома туздик.

Дарвоқе, биз айни пайтда Бобруйскдаги шина заводи билан ҳам шартнома тузиб, алоқани йўлга қўйиб юборганмиз. Яқин кунлар ичида турли ўлчамдаги 9 вагон шина етиб келиши керак.

— Ишларингизга муваффақиятлар тилаймиз.

МЕҲРБОНУ,
Рўзимбой ҲАСАН.
«Туркистон» мухбирлари.
Саъдулло БОБО суратлари.

Сервис ҳақидаги эълон 4-бетда чоп этилган.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЎЛИМГА МАҲКУМ ЭТИШНИНГ ТУРЛАРИ

● ОҒИР жиноятларга қарши кўп мамлакатларда ўлим жазоси мавжуд. Бироқ, ўлимга маҳкум этишнинг турлари кўп. Масалан, отиш, осиш, калласини олиш, токда, газда ўлдириш, тош билан ўлдириш, укол қилиб ўлдириш ва ҳоказолар.

Маълумки, бизда ашаддий жиноятчи отувга маҳкум этилади. АҚШда ҳам отилади, шунингдек, бу ерда ўлимга маҳкум этишнинг осиш, токда, газда, укол қилиб ўлдириш турлари мавжуд. Францияда эса 1981 йилдан бери ўлим жазоси бекор қилинган. Сиёсий жиноят учун ўлим жазоси 1848 йилдан бери қўлланилмайди. Буюк Британияда жиноятчи осилади. Бельгия қонунида ўлим жазоси бор, бироқ, амалда қўлланилмайди. Эронда — отилади ва тошбўрон қилиб ўлдирилади. Саудия Арабистонида эса бошидан жудо этилади ва тошбўрон қилинади.

БИРИНЧИ ФАЗОГИР УЧИШДАН ОЛДИН ЎЛГАН

● МАЪЛУМКИ, биз Юрий Гагаринни биринчи совет фазогири деб биламиз. Аммо биринчи фазогир бошқа учувчи бўлиши керак эди, бироқ... СССР бўлажак фазогирларни тайёрлаётганда Ю. Гагарин билан бирга учувчи Бондаренко ҳам тайёрлов курсидан ўтган эди ва Бондаренко биринчи бўлиб фазога учиши керак эди, аммо бахтга қарши учолмади. Ўшанда фазога учиш олдидан бўладиган охирги синовда сурдобарокамерада ёнғин чиқиши натижасида ҳалок бўлган. Бу воқеа Ю. Гагарин стартидан бир неча кун аввал юз берган. Марҳумнинг қолдиқ жасадини эса руҳдан ясалган тобутга солишиб, қариндош-уруғларига элтиб беришган. Ўлиш сабабларини эса тушунтириб ўтиришмаган. Бу ҳақда «Труд»нинг 17 апрель сонида ёзишибди.

ХОРИЖДА НИМА ГАП?

СОБИҚ СОВЕТ раҳбарининг ўғли Сергей Хрушчев рафиқаси билан АҚШда яшаш учун ижозатнома олди. 27 яшар собиқ ракетачи-муҳандис бўлган бу зот Крэстондаги уйидан телефон орқли РАТА—ТАСС мухбирига айтишича, 1991 йилдан буён Браун университетида сиёсатшунослик билан шуғулланмоқда. АҚШда доимий яшаш учун ижозатнома олгани ватанини умрбод тарк этишидан дарак бермайди. «Бу ҳол менинг ишимни ва бориш-келишимни осонлаштиради, холос», — деб таъкидлади у.

* * *

ПОКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ Ғулом Исҳоқхон 1993 йил 14 июль куни муддатидан олдин парламент сайлови ўтказилишини эълон қилди. Сайлов эркин ва одилона бўлади, деди у. Куни кеча Покистон давлатининг бошлиғи конституцияда берилган ваколатдан фойдаланиб миллий ассамблеяни тарқатиб юборган ва Навоз Шариф ҳукуматини олиб ташлаган эди. Президент ҳукуматни мамлакатни қониқарсиз бошқаришда, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар қилишда, порахўрликда, қариндош-уруғчиликда айблаган эди. «Конституцияга биноан бу ҳукумат энди ишлаши мумкин эмас», — деди у.

* * *

ҲУКМРОН ИСПАНИЯ социалистик ишчи партияси федерал қўмитасининг душанба куни кечқурун тугаган пленумидан кейин эълон қилинишича, партия бош котиби Фелипе Гонсалес 6 июнда бўладиган ялпи сайловда яна ҳукумат бошлиғи лавозимига социалистларнинг номзоди этиб бир овоздан кўрсатилди.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

МАНФААТЛАР МУШТАРАК

Қора кучлар собиқ СССРни тиклашга интилмоқдалар, мана шу сиёсий кучлар «эртами, кечми бутун дунёга хавф солишлари» мумкин. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Япониядаги «Иомиури» газетасининг мухбири билан қилган ва газетада босилиб чиққан суҳбатида шундай деб огоҳлантирди.

Асқар Акаев Ўрта Осиё мамлакатлари Иттифоқини тузиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва бу ўринда гап «Ғарбни хавотирликка солаётган Ислом жамияти» ҳақида бораётгани йўқ, деб таъкидлади. Унинг айтишича, Ўрта Осиё Иттифоқининг тузилишига асос бўладиган ғоя шуки, минтақа мамлакатларининг тарихи ва маданий анъаналари муштаракдир, улар ўртасида мустаҳкам иқтисодий муносабатлар ўрнатилган, миллий хавфсизликни, таъминлаш соҳасида ҳам уларнинг манфаатлари муштаракдир.

Бир дарёнинг ирмоқлари

Дил сўзларимни қабул этгайсиз

Ҳурматли муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚ!

Менинг дил сўзларимни газетангиз орқали ватандошларимга етказишга рухсат этсангиз!

Аллоҳнинг амри, тақдирнинг тақозоси ила ярим асрдан зиёд давр мобайнида она-юртдан узоқ мамлакатларда яшаб, мусофирликнинг борки кўргиликларини кўрдим, заҳматларини чекдим. Юрганнинг қорни тўқ, деганлари ҳақ гап экан. Кучим етганича меҳнат қилиб, насибамни териб еб юрдим, аммо кўнглимни ярим этган, қалбимни бетиним кемириб турган бир дард менга зинҳор ором бермас эди. Бу Ватанни қўмсаш дарди эди. Бунинг устига ҳукмрон кучлар халқимни тўғри йўл қолиб, эгри йўлга ура-ура билан бошлаётгани, юртдошларимнинг иззат-нафслари топталаётгани тўғрисида бирин-кетин хабар эшитиб турардикки, буларнинг чекию чегараси йўқдай кўринарди. Хайрият, охири бор экан.

Ўлганларнинг арвоҳи урдими ёинки қолганларнинг оҳи Аллоҳга етдими, ҳар холда 135 йил мобайнида Туркистонда зўравонлик қилган Империя қулади, халқим золимларнинг зулмидан қутилди. Она-юртим озод бўлди. Ўзбекистон раҳбарияти амалга оширган қатъий тадбирлар натижасида мустақиллик эълон қилингач, муҳожирлар «ватансиз» деган таънадан холи бўлиб, қаддини ростладилар. Ватанга келувчиларга йўл очилди. Ниҳоят, Адлия ва Ташқи ишлар вазирликларининг даъвати ва кўмаги ила 52 йиллик жудоликдан сўнг ўз элим — ўлан тўшагимга келиш бахтига муяссар бўлдим.

Тошкент, Андижон, Булоқбоши, жон қўшнилар — Қирғизистон ва Тожикистонда менга кўрсатилган самимиятдан ўзимни дунёдаги энг бахтиёр инсондек ҳис этдим. Айниқса, она қишлоғим — Булоқбоши мени айримча кутиб олди. Ҳамқишлоқларим Совет ҳокимияти даврида Ватандан бадарға қилинган ёки юртини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлган, уруш туфайли хорижда қолиб кетган ўз вакиллари сифатида қабул қилдилар. Кунига оддий халқ йиғилган 3—4 жойга, учрашувга таклиф этилдим. Мени гўё ўзга сайёралик одамдай ҳар ким кўришга интиларди, овозимни эшитишни истарди. Тилимни йўқотмаганимдан, Булоқбоши шевасида гапирганимдан ҳайратланишарди. Турли-туман саволлардан иборат учрашувлар ҳар гал сўз билан ифодалаш қийин бўлган ҳаяжонли таассурот ҳосил этарди ва бу дамларнинг охири йўқдай туюларди.

Аммо ҳар ҳолатнинг боши ва охири бўлганидай, бу қувончли дамларнинг-да ниҳояси бор экан. Келганларнинг аксарияти 20-йиллардаги «ҳақсизлик», 30-йиллардаги «халқ душмани» воқеалари ва жаҳон уруши қурбонларининг яқинлари бўлиб, жигарбандларининг тақдири ҳақида алам билан шундай манзараларни ҳикоя қилишар эдики, ҳар бирини тинглаб эзилардим. Қани энди шундай бир қудратга эга бўлсам-у, бу жабрдийдаларнинг ярасига малҳам топсам дердим.

Мурожаат этувчиларнинг арзи шундай эди: яқин кишиси ҳаёт эканлиги тўғрисида тайинли бир хабар эшитса, уни қидириб топмоқ: фалон йилда фалон ерда қазо этган деган хабар топса, аза очиб, қабрини зиёрат қилиб, руҳини шод этмоқ учун дуо-фотиҳа маросимларини ўтказмак. Бу қадар дардли гапларни эшитар эканман, жумҳурият «Наврўз» хайрия жамғармаси идорасида ишламакда бўлмиш ўғлим Алихон Шермат ва журналист жияним Эгамберди Шермат ёрдамида юзга яқин оғзаки ва ёзма арз-додларни йиғдим ва бирон-бир хабар топувга ваъда берган бўлдим.

Амриқога келиб, туркистонликлар яшайдиган мамлакатлардаги муҳожирлар уюшмасига, ўзим шахсан таниган ҳожатманд кишиларга мурожаат этдим. Бир қисм муҳожирлар ҳақида хабар топиб, тегишли кишиларга йўллаган бўлдим. Аммо мана бир йил бўлибдики, кўпчилик тўғрисида ҳануз маълумот топилмади. На чора! Топилмаганлигига сабаб кўп. Уруш жабҳасини олсак, баъзи бир ҳужумлар пайтида олдинги сафларга ёғоч милтиқлар тутқазилган туркистонликлар қўйилган, энг кўп беҳуда қирилганлар ҳам шулардир. Уруш тугагандан сўнг юз минглаб асирлар қатори туркистонликлар ҳам СССРга қайтишни истамадилар, чунки уларни «ватан хоини» сифатида ҳарбий трибунал кутарди. Ҳарбий суд уларни Сибириянинг яшаш ва ишлаш шароити шундай ерларига жўнатар эдики, юртига қайтиб бориш амри-маҳол эди. Шундай бўлишини ва бўлаётганини аниқ билган кўп асирлар сингари туркистонликлар ҳам Олмониядан турли хорижий ўлкаларга тарқаб кетишга мажбур бўлган. КГБчилар эса уларни таъқиб остига олишган. Қочоқлар ичида ўзга юртларда ҳақиқий исм-шарифларини ўзгартириб, бошқа номда юрганлар ва шу йўл билан жон сақлаб қолганлар кўп бўлган.

Урушдан олдин Ватандаги номақбул вазиятдан бош олиб кетганлар хорижда ҳам эмин-эркин яшагани йўқ. Улар доим совет жосусларидан хавфсираб юришган. Айниқса, СССРдан борганлар билан мулоқотда бўлганлар нисбатан безовталикда яшаганлар, айримлари истиқомат манзилини ўзгартирганлар. Бир мисол. Булоқбошида Исмоил ака деган обрўли кишининг Абдуваҳоб ва Абдуҳалим исмли ўғиллари бор эди. Каттаси анча ўқимишли бўлиб, ёш йигитча бўлса-да, Қуръонни ёд билгани учун Абдуваҳоб қори деб ном чиқарди. Лекин унинг диний билимдаги иқтидори баъзи бировларни безовта қилган. Улар эса ёш қорини безовта қила бошлаган. Аммо у масжидда имомлик эмас, далада деҳқончилик қиларди. Шундай бўлганки, далада ер шудгорлаётган қори ишларини шериги Абдукаримга қолдириб, 30-йилларнинг ўрталарида Маккага юз тутган. Абдукарим эса дини исломга хизмат қилиш ниятида билимини ошириб, Булоқбошидаги жоме масжидига имом бўлган ва ҳурмат-эътибор қозонган. Ниҳоят, 50-йиллар ўртасида Маккага ҳаж сафарига боришга муяссар бўлган. Маккада Абдуваҳобқорини суриштириб топиб, укаси Абдуҳалимжон бериб юборган совғани топширади. Мезбон совғани олиб, укасига ҳам совға-салом ва 3 фарзанди (Муҳаммад, Иброҳим, Исмоил...) билан тушган суратини бериб юборади. Ака-укалар ўртасида алоқа боғланади. Хурсандчилик. Аммо кейинги ҳажга борганлар минг уринса-да, ўша манзилдан Абдуваҳобқорини ҳам, ўғилларини ҳам топа олмайдилар. Ўша манзилда яшовчилар аниқ маълумот беришни исташмайди. Шу тариқа ака-ука ўртасидаги алоқа узилиб қолган. Буни ҳар ким ҳар хил таҳлил ва тахмин қилиши мумкин... Абдуҳалимжон акасини илгари бир ўзи кутган бўлса, бугун унинг рафиқаси, ўн бир фарзанди, ўнлаб невара-чеваралари кутяпти...

Умуман олганда, Ватандан қайси даврда кетганлигидан қатъи назар, агар шу пайтгача бирор хабар топилмаса вақти-вақти билан эслаб, ўтганларга дуо-фотиҳа ўқиб турилса, ўликка ҳам, тирикка ҳам савоби тегаверади деб ўйлайман.

Бу гапимни газетхон тўғри тушунишини истайман. Қўлимизда номи ёзилган инсонлар тўғрисида маълумот излашни давом эттирамиз, ахир ноумид шайтон дейдилар.

Бу йилги Наврўз байрами ва Рамазон ҳайити Туркистон жумҳуриятлари оёққа туриб олаётган, хусусан Ўзбекистон Амриқо Қўшма Штатлари ва Туркия Жумҳуриятида ўз элчихонасини очишга эришган, ватандошларим ўтмиш палласидаги иқтисодий муаммоларни тўғри тушунган ҳолда, эртаиндинга умид кўзи билан боқаётган бир шароитга тўғри келди.

Заҳматкаш юртдошларим, қўшалоқ айёмларингизни Аллоҳ муборак этган бўлсин, бошлаган яхши ишларингиз ривож топсин.

Ўтган йили Наврўзни сизларнинг даврангизда байрам қилувдим, Мустақиллик майдонида-ю, Тошкент кўчаларидаги халқ сайлларини ўз кўзим билан кўрувдим. Бу йил жисмим олисда бўлса-да, қалбан сизлар билан биргаман...

Ватандошингиз Эргаш Шермат-Булоқбоши
АҚШ, Виржиния штати, Виенна шаҳри, 1993 йил, март.

ТОПГАНИНГИЗ ТЎЙГА БУЮРСИН, АЗИЗЛАР!

ТУРКОНА ТЎЙЛАР

ЧИРОЙЛИ безатилган аравалар карвони, йўлнинг икки томонида турнақатор тизилган созандалар, танбурлар, сеторлар, чанглар, дойиралар, найларнинг садолари мавжида тантана билан «Боғи жаҳон аро» томон аста-секинлик билан оқиб бораверди. Келиннинг атрофида келаётган гуруҳ-гуруҳ қиз-жувонларнинг «ёр-ёр»и авжлана бошлади:

Қайси чамандан эсиб келди
сабо, ёр-ёр,
Ким дамидин тушди ўт жоним
аро, ёр-ёр...

Тўй тантанаси баҳор тошқинидай кучли тўлқин-бўлиб боғнинг катта саҳнига ёйила бошлади. Ҳа, бўзчисидан шоири, созандасидан ҳофизи кўп бўлган бу Буюк Турон юртини тўй маросимисиз тасаввур қилиш қийин.

Тўй хусусида... Халқнинг бахтиёрлик лаҳзаларини ўзида ифода этувчи бу шодлик маросими худди халқнинг ўзи, тили, урф-одати каби умрбоқий. Ойлар, йиллар, асрлар ўтади. Лекин тўйларимизнинг жозибаси ўз қадрини йўқотмаслиги, келажак авлодларга мерос бўлиб қолиши табиий. Мусулмон халқлари ҳаётида азалдан таркиб топган бешик, хатна, никоҳ тўйлари шаклан турли-туман бўлиб, улар ўзига хос келиб чиқиш тарихи ва ўтказилиш тарзига кўра бир-биридан фарқланади.

Туркий қавмларда никоҳ тўйларининг ҳам муносиб ўрни бор. Никоҳ маросимининг юзага келиши жуда азалийдир. Қадимият билимдонларининг аниқлашларича, уруғчилик жамиятида Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос никоҳ анъаналари бўлган. Давр ўзгариши билан мазкур анъаналар барҳам топиб, янгилари шакллана бошлаган. Янгиликнинг алоҳида хусусияти шундаки, унда «куёв синаш» маросими ўтказилган. Бу ҳақда тарих илмининг султони Герадот ўз асарларида шундай гувоҳлик беради: «Шак қабиласининг қизлари якка-якка жангда енгиб чиққан куёвга эрга чиққанлар». «Алпомиш» достонида ҳам Барчиной сардор йигитлар олдига шарт қўйиб, уларни «куёв синаш» маросимига чорлаш манзараси бор. Келин билан куёвнинг якка-якка мусобақасига ёки «куёв синаш»га хос бўлган хусусиятларнинг баъзи белгиларини ҳозирги тўйларда ҳам учратамиз. Масалан, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд воҳаларида келин билан куёв «Оёқ босди» ўйнашади. Унда ким ғолиб чиқса, оилада ҳукмронликни қўлга ўша киритармиш. Буям бир урф-да. Бухорода куёв тўнка ёриб кучини намойиш қилиши лозим. Ўтмишда шоҳона тўйлар ҳақида кўпгина тўйномалар ёзилган.

Ҳазрати Алишер Навоий ижодида туркона тўйлар, халқ маросимлари, расм-русмлари, удумлари ҳам муносиб ўрин тутади. Асарларда туркона ҳаёт, урф-одатлар, туркий куй ва сурудлар улуғланган. Навоий тўй таърифида шундай ёзади:

Гулу сабза айёмида
бўлди тўй,
Бўлиб гулшан ойин
била шаҳру кўй.
Аёқчи, кетур жомин
лаб-балаб,
Ки тўй ўлди айёми айшу тараб.

Хўш, ҳозирги тўйларга янгича урф-одатлар сингдирилаётган пайтда никоҳ маросимининг умумий манзараси, шунингдек, тантананинг ҳусни бўлмиш халқ қўшиқларининг ўрни ва мазмуни қандай?

Маънавиятимизни поклаш ва юқори даражага кўтариш тўйларга бўлган муносабатларимизга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шуни ёддан чиқармаслигимиз керакки, қадимий туркона тўйларни ўрганиш фақатгина мозийнинг ўзига хослигини, маънавий-руҳий ҳолатини теранроқ идрок қилишга эришиш билан чегараланмайди. Айни чоғда ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Бундай ҳолат миллий анъаналарнинг умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилишини таъминлаши мумкин. Аммо, миллий чекинишлар исканжасидаги қарашлар бунга имкон бермади.

Маълумки, 1957 йилда Андижонда, 1960 йилга келиб Наманганда илк бор «комсомол тўйи» ўтказилган. Ўша маҳалларда «комсомол тўй»и ташаббускорлари ўзларича янгиликни диалектик қонунлардан айри олиб, уларнинг ҳаётга таъсирини таҳлил этмаган ҳолда анча мавҳум, умумий шаклда талқин қилдилар. Ахир тўйлар хусусий қонун-қоидалар асосида эмас, балким халқ, унинг дунёқараши орқали намоён бўлади. Негаки, одамзоднинг дунёқараши — билимлар йиғиндисигина эмас, шунингдек, миллий заминга, ўз тупроғининг, диёрининг ҳаётига илдиз отган ҳис-туйғулар, алоқалар силсиласидир. Тарғиботчилар мазкур мезонларни чуқур идрок қилишни истамаган ва оқибатда ижодкорлик шу даражага етиб бордики, тўйларни олдиндан қайсидир «билимдон» тузган ва кимдир тасдиқлаган андоза (сценарий) асосида ўтказишга урина бошладилар. Бу билан асрлар давомида ҳаёт синовидан ўтган туркона тўй билан боғлиқ бўлган миллий урф-одатлар «маданий» зўрлик туфайли урфдан чиқиб кетди. Диалектиканинг қонунияти ҳар қандай нарса ҳаётнинг ва заруриятнинг натижасида вужудга келиб, зўравонлик, басирликнинг оқибатида йўқолишини асослайди. Тўғри, инсоният маданияти онгни бошқарилгандагина гуллаб-яшнаши маълум. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо, миллий заминдан узилган ҳар қандай тартибга солишлар ўз ортидан фақат саҳро қолдиради, холос. Таажжубки, бугунги ўзгаришлар даврида ҳам бундай «ижодкорлик» давом этмоқда. Биз тарғиботчилар сўнги йилларда жудаям «билимдон» бўлиб кетдик, чоғи. Доимо халққа ўргатиш ташвишидамиз. Билишимизча, аксинча бўлиши керак. Ахир донoликнинг даҳоси — халқ. Барча буюклар ҳам шу халқдан ўрганган.

Умуман, Ғарбга кўр-кўрона сажда қилиб, асоссиз, заруриятсиз инкор этиш, ўзлаштиришлар ва турғунлик даврининг турли таъсирлари сабаб одамларнинг инсофли, имонли, шарм-ҳаёли бўлишлари ва умуман маънавий қиммат касб этган оилавий-маиший маросимларга дахлдор одатларни кўпи урфдан чиқиб, унга боғлиқ қўшиқлар таомилдан тушиб қолганлиги тўғрисида бугун очиқ гапирилмоқда. Таассуфки, тўйлар ва улар билан боғлиқ бўлган миллий қадриятларимизнинг миллат ҳаётида тутган ўрни, муҳим аҳамияти хусусида қатор тарихий ва замонавий далиллар, асосли гаплар бўлишига қарамай, сўнгги пайтларгача миллий маросимга ўгай кўз билан қарайдиганлар, ундаги жуда кўп расм-русмларни ислом динига тақаб, тўйларга маломат тошини отувчилар топилди. Ота-буваларимиздан мерос қолган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар давомида ҳаёт синовидан ўтган миллий қадриятларни қораловчи илмий ишлар пайдо бўлиб, китоблар чоп қилинганлиги ўта ачинарлидир. Турғунлик даврида яратилган оммавий рисола, ҳатто илмий нашрларда ҳам «хатна қилиш — ваҳшиёна ва шафқатсиз одатдир», — деган асоссиз гапларни ўқиш мумкин. Буйруқбозлик даврида никоҳ тантаналарига бўлган муносабат ва муайян маънавий — руҳий муҳит тўғрисида кенгроқ тушунчага эга бўлиш ва унинг моҳиятини аниқроқ ёритишни истасак, тўйларга бўлган қарашларни изчиллик билан ўрганмоқ зарур.

Агар матбуот нашрлари синчковлик билан кўздан кечирилса, ишонч ҳосил қилиш мумкинки, яхши, хайрли ишлар билан бирга тўйларга ёндашишда бирёқламалик устун бўлган. Мазкур мавзудаги мақолаларда ортиқча ҳаражатлар, исрофгарчиликларга чек қўйиш, қалин пулига барҳам бериш, тонгга қадар бўладиган маъносиз тақара-тукурларни тугатиш хусусида ижобий фикрлар ҳам билдирилган. Аммо, барибир мусулмон йигитини ўрус қизига уйланиши, буни байналмилалчилик рамзи сифатида улуғлаш, «комсомол тўй»ларининг мақтови, келин ва куёвларга эзгу ниятда тотув оилавий турмуш тилаб, ширин чой ичириш, ойнага қаратиш, оловдан айлантириш каби одатларни ислом диний қолдиғи сифатида қоралашдан нарига ўтилмаган. Ҳолбуки, бундай одатларнинг айримлари исломдан ҳам аввалроқ вужудга келганлиги хусусида ўйламасдан мантиқсиз хулоса чиқараверамиз. Миллий анъаналар, урф-одатлар, расм-русмлар, хусусан, тўйларнинг туркона кўрки ва мазмунидан келажак авлодларнинг ҳам баҳраманд бўлишлигини таъминлаш учун никоҳ базмига дахлдор бўлган шарқоналикни сақлаб қолиш зарурлиги хусусида гапирилган эмас. Сиёсат бобида шундай йўл тутилган чоғда миллий никоҳ тўйлари ва ундаги расм-русмлар ҳақида сўз очилса: «бу эскиликни тарғиб этиш», деган шиорни дастак қилиб, дарҳол тадқиқотчининг овозини бўғишга уринувчиларнинг пайдо бўлиши оддий ҳолга айланиб қолганлиги ҳеч кимга сир эмас. Туркона тўйларга нисбатан бўлган бундай писандсизликлар миллий-маънавий инқирозни янада тезлатди. Чунки, бу билан тўйга дахлдор бўлган маданий меросдан жиддий узоқлашиб қолдик. Ахир, миллий одатлар, куй ва қўшиқларнинг бой ва нафис сеҳридан бебаҳралик кишиларни, айниқса, ёшларни ўзга миллатларнинг енгил-елпи мусиқаси ва шарқона одобига мос бўлмаган маданиятга тақлиди учун имконият яратиши табиий. Натижада, онг, шуур ўз-ўзидан ўтмаслашиб бораверади. Ҳа, зўрлик оқибатида таъқибга учраган халқ анъаналари, байрамлар, урф-одатларнинг барчаси йиллар ўтиб яна аслига қайтиши аён. Мана, бугунги ўзгаришлар даври ўзбек халқининг ҳам сиёсий, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари сингари, мозийни ўрганиш ва унинг ривожига йўл очиб бермоқда. Давр руҳи халқларнинг миллий маданияти, хусусан, тўйларга бўлган ғаразли қарашлар қолипини чил-чил синдирмоқда. Энди миллатларнинг миллий анъаналарини тиклашга эътибор кучайтирилди.

Бундай анъана, урф-одатларнинг қайта тикланиши, шубҳасиз, инсонлар ўртасидаги ўзаро бирдамликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, миллий қадриятларга қайтиш учун кенг йўл очиши равшан. Йиллар тажрибасидан аён бўлдики, ўз миллий қадриятларидан юз ўгириб, уни оёқости қилган миллатнинг бошқа халқлар олдидаги ҳурмати тўғрисида гапиришга ҳожат йўқ.

Буюк академик А. Д. Сахаров айтганидек, **«миллий ўзига хосликкина миллатлар орасидаги ўзаро ҳурматни мустаҳкамлайди».** Бас, шундай экан, халқимиз путур етган қадрини қайта тиклаётган, масжидларимиз, муқаддас китобларимиз, одатларимиз қайтиб келаётган, она тилимиз, тарихимиз, маданиятимиз муносиб ўрнини топаётган бир пайтда туркона тўй ва унга дахлдор қўшиқларни тарғиб ва ташвиқ этишга бўлган эътиборни янада кучайтириш лозим. Туркийларнинг миллий маданияти — жаҳон маданиятининг кўзгуси.

«Ўзбеклар, — деган эди Чингиз Айтматов, **— буюк халқ, жаҳон цивилизацияси бешигини тебратган».** Биз мана шундай улкан шарқона қадриятларни тиклашга ҳар биримиз, ким бўлишимиздан қатъи назар, ўзимизни масъул эканлигимизни юракдан тўлиқ ҳис қилмас эканмиз, миллатнинг ёрқин истиқболи, унинг ахлоқий ва маънавий камолоти тўғрисида гапиришнинг ўзи ортиқча. Шундай экан, тўйга дахлдор бўлган туркона урф-одатларни қайта тиклаш ҳаёт тақозосидир (албатта, ижобийларини). Шунингдек, аждодларимиздан мерос бўлган гўзаллик ва маърифат гавҳарларини келгусида ўз эгаларини яна қайта топиб, халқимизнинг маънавий бойлигига айланишини таъминлашда даврий матбуот нашрларининг фаоллиги эътиборга молик. Мазкур нашрларда тўй ва унга боғлиқ бўлган расм-русмлар, урф-одатлар, қўшиқлар таҳлилига оид мақолаларнинг берилиши айни муддао. Бироқ, айрим ҳолларда тўй қўшиқларини ёритишга юзаки муносабат, матнлардаги савиянинг саёзлиги, мақсад мавҳумлигини кўрамиз. Баъзан эълон қилинаётган тўй қўшиқларини ўқиб жафокаш замондан юраги зир титраган, қон-зардоб ютган, хумор кўзларидан ёш томчилаб турган, ўн гулидан бир гули очилмайин, ҳаёт изтиробига йўлиққан ёш, эрксиз қизнинг талаби (ўз тенгига бермагани) қондирилмаганлигининг мунгли ва таъсирли ифодасини тасаввур этасиз. Бундай нолалар тўй қўшиғи. Лекин, мазмунига кўра ҳозирги тўй маросимининг моҳияти билан уйғунлашган эмас. Қўшиқлардаги мунгли мазмун бевосита аниқ воқелик аёллар эрксизлиги билан шартланган бўлиб, кўпроқ ўтмишдаги никоҳ тўйларининг мазмунига мос. Бугунги кунда қизларнинг истак ва ҳоҳишларига ота-оналар эътибор қилмоқдалар. Натижада куёв ва келиннинг ихтиёрий ҳолда турмуш қуриши таъмин этилмоқдаким, бу ҳолат қувноқ қўшиқлар билан уйғунлашса, тўй руҳига ҳамоҳанг тушиши турган гап.

Ҳозирги пайтда қадимдан куйланган баъзи қўшиқларнинг мазмуни билан замонавий тўй маросимлари ўртасида бир қатор тафовутлар юзага келдики, буни ҳисобга олмасликнинг иложи йўқ. Бу сўзлар нечоғлик оғир, аммо ҳақиқат. Қолаверса, бугунги ўқувчи учун бу оҳ-фиғонлар фақат мазлум элларнинг дардчил руҳи, мунгли товуши, жафокаш, ҳуқуқсиз, ночор ва қашшоқ ҳаёти тасвири ёки чеккан аламларига илож тополмаган ҳимоясиз ожизаларнинг фарёди бўлибгина қолмай, балки муҳими омманинг олижаноб тушунчалар, орзулар учун интилиш тасвири сифатида ҳам маълум аҳамиятга эга. Лекин барибир бундай қарашлар қанчалик мантиқли бўлмасин, шарқона туйғуларнинг (айниқса тўйга дахлдор бўлган) барчаси мазмунан ҳазин бўлган, деган маъно англатмаслиги керак. Таассуфки ҳозиргача қадимий қўшиқларга деярли бир томонлама ёндошилиб келиняпти.

Хўш, қўшиқ ва анъаналар ўтмишда ота-боболаримиз томонидан асрлар мобайнида тўпланган турмуш ва ҳаёт синовидан ўтган ахлоқий мезонлар эканлигини атайлаб тан олмаслик ва қадимдан бутун жаҳон донишмандларини ҳайратга солиб келаётган Шарқ халқининг юксак бадиий иқтидори маҳсули, ҳаё ва латофатнинг рамзи бўлган, ижодиётнинг бетакрор, ўлмас намуналарини имкон қадар омма кўзидан йироқ тутишдан муддао нима эди?

Бундай сохта уйдирма ҳукмномадан асосий мақсад — миллатнинг ўзлигини англашга имкон бермаслик, ўтмишни ўрганишдан ҳазар қилишга ундаш бўлган, албатта. Чунки, халқ қанчалик авом бўлса, шунчалик муте бўлади. Ўз тарихининг нурли саҳифаларини мукаммал билмаган, миллий ғурур туйғусидан бебаҳра миллатнинг келажаги йўқ. Ҳа, сенинг тарихинг мунгли, ҳасрату аламлардангина иборат, деган фикр-ақида оммага қайта-қайта сингдирилдиким, унинг салбий оқибатларига бугун ўзимиз гувоҳмиз. Қолаверса, қадимги ўзбек тўйининг ўта сермаъно, жозибадор манзарасини акс эттирувчи манбалар ҳам кам эмас. Демоқчимизки, зикр этилган мазмундаги қўшиқларнинг оммавий матбуотда ташвиқ этилиши миллий қадриятларга қайтиш борасидаги ишнинг мазмуни ва мақсадига мувофиқ эмас.

Маълумки, ўзбекча тўй маросимлари қўшиқлари «ёр-ёр»лар билангина чекланган эмас. Тўй қўшиқлари ичида лапар ва ўланлар ҳам борки, уларда бошдан охиригача гулдан нозик, ҳиссиётли қалбларнинг ошиқона арзҳолининг баёнини кузатамиз. Гўзалликда танҳо бўлган ҳаёли қизнинг таъриф-тавсифи, унга меҳр, ишқ тўла кўз билан маҳлиё бўлган. Қаро кўзнинг тим қаро сочларининг домига тушган ширинзабон йигитнинг айтишувлари ҳар қандай тошюракли тингловчини ҳам ром қилмай қўймайди. Ҳатто, айтишувларда ошиқ-маъшуқлар бир-бирига муҳаббатини аён қилганда шундай ширин ҳазил қиладиларки, бундай ёқимли, дилни қитиқловчи енгил мутойиба ҳозирги ёшларимизга ҳам хуш келиши тушунарли. Лапар ва ўланларда ҳам қофия ўрнида келаётган сўзларга мисралардаги мазмун ҳамоҳанг бўлади.

Таажжубки, бундай қўшиқларни ҳозирги тўйларда кам эшитиб, матбуот саҳифаларида ўқимаймиз. Қадимдан куйланган, туркона тўйнинг кўрки бўлган «Куёв келаяпти», «Келин келаяпти»... каби қўшиқлар бўлганки, улар бугунга келиб деярли унут бўлган ёки аҳён-аҳёнда эшитилади. «Гулруҳ пари» достонида тўй бошланиб қизлар ҳар томондан шодлик базмига келаётган даврадаги қўшиқ ўз жозибаси билан дилларга қанчалик кўтаринкилик бахш этишини бир ҳис этганмисиз?!

Бинобарин, «Келин салом»лар бир томондан муҳим тарбиявий аҳамият касб этса, иккинчи жиҳатдан тўйни тўйдек бўлишини таъминлайди.

«Келин салом», «Алик салом»лар ҳам ёр-ёр, ўлан, лапарлар сингари бадиятан жозибали ва мусиқий. Шу ўринда бувиларимиз қадимдан куйлаган мана бу «Келин салом» ҳам бугунги «юз очар»маросимининг ҳусни бўлиши мумкин:

Кийимлари садафли,
Ҳар бир сўзи одобли,
Холасига бир салом.

Қўшиқда холага ҳурмат бажо келтирилмоқда. Ушбу қўшиқда эса қуёв таърифи:

Белига белбоғ боғлаган,
Оловйи уч айланган
Қуёв болага бир салом!

Шунингдек, айтувчилар эътиборидан овсинлар ҳам четда қолмайди:

Дуррачани дол қўйган,
Ўнг бетига хол қўйган,
Овсинига бир салом.

Маросимда қайнота, қайнона, қайнсингил, қайнукалар ҳақида ҳам ажойиб қўшиқлар тўқилади. Бинобарин, инсон ўз руҳий дунёсидаги у ёки бу мувозанатни ифодалашга мойил зарурият сезгач, худди ана шу босқичда бадиий фикрлаш нуқтаи-назардан кўтарилиши мумкин. Натижада у ўз руҳий ҳолатига мос тасвирни табиатдан, нарсалардан, уларнинг кўринишидан топади. Аслида, ҳар қандай бадиий ифодалаш, руҳий таҳлилнинг илк босқичи шундан бошланиши табиий. Зикр этилган «Келин салом»даги руҳий ҳолат билан тасвир объектининг, яъни «кийимлари садафли», куёвнинг «белига белбоғ бойлаган»лиги, овсиннинг «ўн бетига хол қўйган»лигининг ҳаётий ва уйғунлиги байтларнинг жозибали чиқиши учун асосий восита. Агар аксинча бўлганида эди, биз руҳий таъсирдан ҳам, бадиий жозибадан ҳам маҳрум бўлардик. Маросимга оид шеърларни ўқиганингизда умуман тутилмайсиз. Негаки байтлардаги сўзлар енгил, оҳангдош. Бундан товушдошлик бадиий восита сифатида ёқимли садо ҳосил қилишга хизмат қилмоқда. «Келин салом»ларда, айниқса ҳазил, кулгининг руҳи сезиларли. Бу айни пайтда маросим иштирокчиларини зериктирмайди, ҳушчақчақлик пайдо қилиб, тўй руҳини кўтаради ҳамда қўшиқ айтувчилар бадиҳагўйликларини, сўзга чечанликларини намойиш қиладилар. Мана бу «Келин салом»даги хусусият худди аскиядагидек:

Ёпган нони силтадай,
Бурун учи пилтадай,
Қайин момога салом.

Халқ қўшиқларидан озгина хабари бўлган киши бу «Келин салом» Хоразмнинг никоҳ тантанасига мос эканлигини англаши аниқ. Чунки, хоразмликларга хос бўлган нонни силтадай ясашдек ҳаётийликни қўшиққа сингдирилишининг ўзи шундай хулоса учун асосдир.

Ҳақиқатан ҳам туркона тўйларни сўз ўйинлари, ҳазил-мутойибалар ҳамда аскияларсиз тасаввур қилиш қийин. «Келин салом»ни бадиҳагўйлик ҳам дедик. Негаки, уларда сўз, лутф ҳозиржавобликда, тайёргарликсиз айтилади. Шунинг учун ҳам маросим қатнашчилари «Келин салом»ни эшитибгина қолмасдан, ҳатто роҳатланиб томоша ҳам қиладилар. Бундай қочирмаларга бой қўшиқларнинг ёшлар ахлоқий, одобий тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. «Келин салом»да ҳазил қанчалик кучли бўлмасин, барибир, ҳар қандай шароитда ҳам айтувчилар сўз танлашда одоб доирасидан чиқмайдилар. Умуман, ҳазил-мутойиба санъати Навоий таъбири билан айтганда, Хуросон ва Мовароуннаҳрда, хусусан, туркийларда қадимдан жудаям кенг ривожланган ва айни чоғда тантананинг ҳусни бўлган.

Маълумки, ўзбеклар миллат сифатида таркиб топган бўлса-да, аммо уларнинг урф-одатлари, тўй манзараси ва мазмуни ҳудудларга боғлиқ ҳолда фарқланади. Масалан: Фарғона, Қўқонда ижро этиладиган йигитлар «Ёр-ёр»и, Бухородаги «Куёв келяпти», «Куёв ўтирсин» қўшиқлари, Хоразмнинг никоҳ маросимига даҳлдор бўлган ўлан, лапарлар, айтишувлари бетакрордир. Буларни ажрата билиш ва ўзига хосликда ёритишга эътибор зарур.

Шулардан кўринадики, халқ оғзаки ижодига мансубликни тушуниш ва матбуот орқали ташвиқ қилишда масъулиятни тўғри ҳис қилмоқ зарур. Бу иш ҳар биримиздан нозик бадиий фикрлашни ва ниҳоятда зийрак бўлишни ҳам тақозо этадики, буни ҳеч маҳал эсдан чиқармаслигимиз керак. Умуман, тўй қўшиқлари асрлардан бери авлодлар дилини дилига пайванд қилиб келмоқда. Қўшиқлардаги тимсолий тасвирлар, рамзий менгзашлар бир қараганда ўзгармасдек кўринсада, жамият ривожи, бадиий тафаккурнинг юксалишига кўра замонлар оша ўзгача мазмун билан бойиб, ўз ўрнида янгилари ижод қилинаверади.

Умуман, туркона тўйлар аждодлар томонидан авлодларга қолдирилган маданий, ахлоқий ва бадиий бойликдир. Ана шу тушунчаларда ўз аксини топган ота-боболаримиз донишмандлигининг ҳозирги кунда ҳам ёшларни юксак маънавий камолотини шакллантиришдаги аҳамияти беқиёс.

Сойибназар ДАВЛАТОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтининг катта ўқитувчиси.

* * *

Суратларни Р. ЖУМАНИЁЗОВ, Н. МУҲАММАДЖОНОВ, Е. БОТИРОВ ва Ж. БОБОРАҲМАТ олишган.

СОЙИБНАЗАР Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида муаллимлик қилади. Иқтидорли олим. Толиблик йилларидаёқ халқимизнинг бой азалий удумлари ҳақида кўп ўйлар, толиб дўстлари билан шулар хусусда баҳслашишарди. Ниҳоят...

Туркий халқларнинг бетакрор тўйлари, ажойиб удумлари ва маросимлар ҳақида материаллар тўплади. Бугун ўқувчилар эътиборига ҳавола этилаётган илк мулоҳазалари ана шу изланишларининг самарасидир.

Наврўз маҳалласида сайл

Яқиндагина Жиззахнинг Зафаробод, Самарқанднинг Ургут туманларида Наврўз байрамини нишонлаб қайтган «Туркистон» газетаси таҳририятига яна бир таклиф тушди. Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек тумани Қорасув. 6-даҳасида «Наврўз» маҳалласи жамоаси ўз шодликларини биз билан баҳам кўриш истагини билдиришганди.

Сайл куни эрталаб миллий чолғу асбобларимиз — карнай, сурнай, ноғора, доиралар жўр бўлиб, меҳмонларни сайлга чорлади. Лекин мушоҳада қилиб кўрсак, бу кун меҳмонлар йўқ, ҳамма, биз «туркистон»чилар ҳам мезбон эдик. Ахир сайл ҳамкорликда, шу ерликлар, қолаверса барча йиғилганлар — газетамизнинг қадрдон муштарийлари эди.

«Наврўз» маҳалла қўмитаси раиси Аъзам Ҳакимов бошчилигидаги фаоллар биздан «бесўроқ» ночор, кам таъминланган айрим оилаларга Наврўз хайрияларини улашишганини ҳам шу куни билиб қолдик. Бу ҳақда у кишидан сўраганимизда, савоб ишлар овоза қилинмайди, деган ақидага амал қилибми, гапни бошқа мавзуга буриб юборди:

— Одамларимиз, кўз тегмасин аҳил, оқибатли экан, — дейди Аъзам ака. — Уларга ҳеч қандай топшириқ, буйруқ берилгани йўқ. Ўзлари сайл бўлишини эшитиб, ҳаракатга тушиб қолишди. Дастурхон, ош, сумалак биргалашиб тайёрланди...

Сайлгоҳ борган сари гавжумлашиб борарди. Назаримизда, байрамга ҳамма чиқди, ёшу қари бирдек шодиёна қилди. Йиғилганлар шод, қувноқ. Нотанишлар бир-бири билан танишиб, танишлар эса қадрдонлашиб, бир-бирларини уйларига меҳмонга таклиф қилардилар.

«Туркистон»чилар ҳам омма орасига тезда қўшилиб кетишди. Куй-қўшиқлар янграётган жойда ҳам, ўйин-кулгилар ўчоғида ҳам, савдо расталарию, дор томошалари кўрсатилаётган майдончада ҳам ўз муштарийлари даврасида, улар билан мулоқотда бўлдилар.

Кўп қаватли уйлар орасида тикланган дор илк бор кўзи тушган одамга ғайритабиий туюлади. Энг юқори қават рўпарасида, худди ерда юргандек томоша кўрсатаётган дорбозлар гуруҳи Янгийўлдан Анвар ака раҳбарлигида ташриф буюрган. Улар орасида полвонлар, қизиқчилар, кўзбойлағичлар... Сайлга чиққанларнинг аксарияти, айниқса, болалар, дорбозлар атрофида роса гирдикапалак бўлишди.

Бир томонда ИИВ милиция олий мактаби тингловчилари ўз маҳоратларини намойиш этишарди. Спорт турлари бўйича, айниқса, ҳозир оммавийлашиб бораётган каратэ усулидаги чиқишларга маҳлиё бўлиб қолган томошабинлар қўлидаги музқаймоқлар эриб тугаётганини ҳам сезмай қолишди.

Маҳалла қўмитасининг раиси Аъзам Ҳакимов, «Туркистон» газетаси Бош муҳаррири Жаббор Раззоқовлар маҳалла аҳли саъй-ҳаракати билан қуриб битказилган «Авайхон» деҳқон бозорининг рамзий очилишида иштирок этишди. Бозорча аҳоли талаби билан мавзенинг ўзига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Йиғилганлар дастурхон атрофига таклиф қилиниб, ош билан сумалак тортилганда сайлгоҳ узра Олмахон Ҳайитованинг ширали қўшиғи янгради. Маҳалла аҳли ўзлари яхши кўрган хонанданинг шундай унутилмас айём куни бирга бўлганидан мамнун бўлдилар.

Ёш маҳалла илк байрамларидан бирининг қисқача таърифи шу. Ниятимиз бундай байрамлар, хайрли тадбирлар кўплаб бўлсин ва «Туркистон» газетаси доим улар шодлигига ҳамнафас бўлиб қолаверади.

Нодир МАҲМУДОВ.
«Туркистон» мухбири.

Ҳаёт ва қонун

Убайдулла МИНГБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси.

Инсонни жиноятдан сақлаш мумкин

«Фуқаролар билан давлат ўзаро ҳуқуқлар ва бурчлар орқали узвий боғлиқдирлар, — дейилади И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисоласида. — Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари даҳлсиз бўлиб, ҳеч ким уларни суднинг қарорисиз маҳрум этиши ёки чеклаши мумкин эмас. Айни вақтда фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишлари бошқа фуқароларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатларига зид бўлмаслиги лозим». Дарҳақиқат қурилаётган ҳуқуқий демократик давлатимизда — қонунбузарликларга қарши, давлат, жамоат ва фуқаролар мулкига кўз олайтирувчи шахс ва жиноий гуруҳларга қарши қонун кучидан тўла-тўкис фойдаланишга асосланади. Бинобарин, мустақил давлат сифатида дунёга танилаётган республикамизнинг ёркин истиқболи, аввало, юртимиздаги тинчлик-тотувликка, турли сиёсий қарашдаги партияларнинг тутган йўли фақат амалдаги қонунлар доирасида олиб борилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Маълумки, жиноятчилик — чуқур илдиз отган ижтимоий ҳодисадир. У мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаёти, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида пароканделикни юзага келтирадиган жиддий хавф эканлигини унутмаслигимиз керак.

Далилларга таяниб, шуни айтаманки, ҳозирги мураккаб шароитдан фойдаланаётган жиноятчилар катта миқдордаги иқтисодий қўпорувчиликдан, одамларга шафқатсиз равишда азоб бериш, ўқ отиш ва металлардан тайёрланган турли хилдаги совуқ қуроллар, инсон асабига, хотирасига ва саломатлигига тез таъсир этувчи газ ва бошқа сунъий йўллар билан тайёрланган заҳарли моддаларни қўллашдан ҳам қайтмаяптилар. Республикамиз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, бундай шафқатсиз жиноятчиликка ва айниқса уюшган жиноятчиликка қарши кескин зарба беришга қаттиқ киришдилар.

Бу йўналишдаги самарали ишлар натижасида юзлаб жиноятчи гуруҳларнинг мудҳиш фаолиятлари халқ судларида кўриб чиқилмоқда. Фақат 1992 йилнинг ўзида республика Олий суди ҳайъатида 843 нафар жиноятчига нисбатан ишлар касация тартибида кўриб чиқилди. Шундан 466 кишига нисбатан кўрилган ишлар фақат уюшган гуруҳлар томонидан содир этилган. Оғир оқибатларга сабаб бўлган жиноий ҳаракатлари учун улардан кўплари узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилган. Шу жумладан айримлари ўлим жазосига маҳкум қилинганлар.

Тан олиш керак, бу соҳада ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимлари ҳаётлари ва саломатликларини хавф остига қўйиб бўлсада қаттиқ курашмоқдалар. Аммо, айрим ишларда воқеага бошдан-оёқ гувоҳ бўлган кишилар арзимас сабабларни рўкач қилиб, виждонан гувоҳлик бериш ўрнига тергов ва судда ҳар хил кўрсатмалар беришиб, ҳақиқатни аниқлашда чалкашликлар келтириб чиқармоқдалар. Бу масалада ҳар бир фуқаро жиддий туриши, жиноятчиликка қарши бурч сифатида кескин кураш олиб боришлари шарт.

Суд — давлатнинг муҳим муассасаларидан бири, одил судловни амалга оширишда ягона давлат органидир. Ўзбекистон республикаси Олий суди республика судларида фуқаролик, хўжалик ва жиноий ишларни кўриш чоғида одил судловга қай даражада амал қилинаётганлигини ўрганиб чиқди. Аниқланган далиллар шундан гувоҳлик берадики, айрим қуйи судларда ишларни кўриш чоғида қонун кучидан тўла қўлланилмай, ишга баҳо бериш ва жазо тайинлашда объектив ҳоллар чуқур таҳлил этилмагани оқибатида айрим фуқароларнинг процессуал ҳуқуқлари камситилган бўлса, айрим ишларда жазо тайинлашда «меҳрибонлик» кўрсатилган. Бундай ҳолатлар амалда одил судловга ишончсизлик ва ҳурматсизлик кайфиятини туғдиради. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас.

Шундан келиб чиқиб қуйи судлар масъулиятини ошириш, қонунларга қатъий ва оғишмай амал қилиш ҳамда суд фаолияти юзасидан назоратни кучайтириш мақсадида Олий суд 1992 йил апрель ойида қуйи судларга алоҳида кўрсатмалар берганди. Шунга қарамай жойларда одил судловни амалга оширишда айрим судьялар қонунни «айланиб ўтишга» уринганликлари ҳам аниқланди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов Андижон, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари фаоллари ва халқ депутатлари вилоят кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзга чиқиб, мавжуд жиноятчиликка қарши курашда қонун кучидан тўла фойдаланиш ва қонунлар устиворлигини таъминлаш биринчи галдаги муҳим вазифа эканлигини қайта-қайта таъкидладилар. Жойларда ҳокимликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари йўл қўяётган қўпол хатоларни, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича маъмурий органлар маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиқиб, замон ва мавжуд муҳит талаблари даражасида иш кўришмаганлиги оқибатида жиноятчилик чуқур илдиз отиб кетганлигини халқ кўриб-билиб турибди.

Биз одил судловни республикадаги барқарорликнинг кафолати, фуқаролар тинч-тотувлиги ва ҳамкорлигининг асоси, шунингдек қонунлар устиворлигининг далили сифатида амалга оширмоғимиз лозим. Суд ҳокимияти фақат ҳақиқий демократик қонунлар асосидагина бир меъёрда ва унумли амал қилиши мумкин. Олий суд ана шу йўналиш доирасида янги қонунлар яратиш, ҳуқуқий нормалар ишлаб чиқишда фаол қатнашмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг судлари тўғрисида қонун» лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳасини Республика Олий Кенгашининг қўмитасида муҳокама қилинмоқда. Жиноий ва фуқаролик қонунларига кўпгина ўзгаришлар киритилди ва тўлдирилди. Том маънода мустақил давлатнинг суд системаси ҳуқуқий ислоҳотлар йўналишида иш олиб бораётир.

Янги қабул қилинган Республика Конституциясида суд ҳокимиятига алоҳида боб берилган. Шу бобда инсон ҳуқуқлари ва озодлиги ким томонидан бузилишидан қатъий назар, уларни ҳимоя қилишда суднинг мавқеи мутлақ юқорилиги алоҳида кўрсатиб ўтилган. Суд ҳокимиятини амалга оширишда Олий суд ва бошқа судлар қонуннинг устунлигини халққа тушунтиришлари зарур. «Судьялар мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунадилар» деган қоида ҳар бир суд ва ҳар бир судья учун муқаддасдир.

Аслида ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди. Шундай экан, суд интизомга ўргатиш қуроли сифатида ҳамма жойда—мактабларда, маҳалла ва даҳаларда, корхона ва ташкилотларда ёшлар тарбиясига, улар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кучайтиришга, жиноятчиликнинг олдини олишга, алоҳида ғайрат билан тарғиб қилинмоғи керак. Матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш тармоқларида ҳуқуқий малака ва тажрибага эга бўлган мутахассис, журналистларни кўпайтириш ҳамда уларнинг кучларидан ҳуқуқий тарбияни тарғибот қилишда оқилона фойдаланиш зарур.

Республикамизда бу борадаги барча муаммолар давлат миқёсида кўриб чиқилиб, ҳал этишга эришилмаса, давом этаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг таг-томири билан қўпориб ташлаш осон кечмайди. Республикамиз Президенти И. А. Каримов вужудга келган жиддий шароитни ҳисобга олиб, барча ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётгани айни муддаодир. Ҳар қандай жиноий ҳаракатни содир этган шахс, қонуний жазосини олиши муқаррар эканлигини ҳеч ким унунтмаслиги керак.

КЕЧА
БУГУН
ЭРТАГА

● **ИНСОНИЙЛИК ёрдами сифатида кўп миқдордаги дори-дармон АҚШдан Олматига яқинда келтирилган эди. Атирав (собиқ Гурьев) аэропортига яна бир самолёт келиб қўнди. Унинг ичида бир миллион доллардан ортиқ турадиган 14 тоннадан кўпроқ дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар бор.**

● **ГОРНО-АЛТАЙСК шаҳрининг марказий шоҳкўчасидаги савлат тўкиб турган Михаил Калининнинг бюсти ўлкашунослик музейига топширилди. Сталиннинг содиқ хизматкори бўлган бу кимсанинг маҳобатли тасвири 1987 йилда супага қўйилаётган пайтдаёқ шаҳарликлар бундан таажжубланган эдилар. Аммо расмий шахслар Бутуниттифоқ оқсоқоли сургундаги рафиқасини кўриш учун шу шаҳар орқали ўтиб кетганини назарда тутиб, унинг хотирасини абадийлаштирган эдилар.**

● **РОССИЯНИНГ Тожикистондаги чегара қўшинлари гуруҳига янги қўмондон тайинланди. 47 яшар генерал-майор Анатолий Чечулин шу лавозимдаги генерал-майор Виталий Грицан ўрнини эгаллади. А. Чечулин бундан аввал Россия Федерацияси чегара қўшинлари штаби бошлиғининг ўринбосари эди.**

● **СССРНИНГ собиқ Президенти Михаил Горбачев Япониянинг Киото шаҳрида бўлиб ўтган янги ташкилот — Халқаро Яшил Хоч атроф муҳитни ҳимоя қилиш жамиятининг Президенти қилиб сайланди.**

● **МОСКВАДА банклараро навбатдаги халқаро валюта савдоси бўлиб ўтди. Унда бир АҚШ доллари 786 сўмга сотилди. Бу эса олдинги савдога қараганда 7 сўм ортиқдир.**

● **АҚШ Президенти Билл Клинтон «Маунт Кармел» деган жойда «Давидлар тариқати» аъзоларидан кўп киши ҳалок бўлганини «даҳшатли фожиа» деб атади.**

Суратда кўриб турганингиз Наргиза Ёқуббекова бўлади. У Андижон Давлат дорилфунуни журналистика факультетининг I курс талабаси. Наргиза таҳсил олиш билан бирга Андижон тижорат телестудиясида дикторлик ҳам қилади. Шу кунгача у ҳинд киноси ва актёрлари ҳаётига бағишланган иккита кўрсатув тайёрлади. Кўрсатувлари андижонлик томошабинларга манзур бўлди.

Наргиза бу санъатга ҳамма сингари ёшлигидан қизиқади. Шунинг учун ҳам бундай туркум кўрсатувларни давом эттириш ниятида юрибди.

А. МИРЗАЖОНОВ олган сурат.

Тижорат Ташвиқот Ижорат

ҚУТЛОВ

БОКУДАГИ ХАЛҚАРО ШАРҚ МАМЛАКАТЛАРИ АРХИТЕКТУРА АКАДЕМИЯСИ ўзбекистонлик бир гуруҳ архитекторларимизни ЎЗ АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

Жумладан: Митхат **БУЛАТОВ**, Галина **ПУГАЧЕНКО**лар академиянинг фахрий аъзолари, Шукур **АСҚАРОВ**, Пўлат **ЗОҲИДОВ**, Фарҳод **ТУРСУНОВ**лар ҳақиқий академик, Феруз **АШРАФИЙ**, Рустам **ВАЛИЕВ**, Осхон **ЖАББОР**, Абдураҳмон **МАҲКАМОВ**, Владимир **НИЛЬСОН**, Ҳотам **ТУРСУНОВ**лар мухбир аъзолари этиб сайландилар.

Ўзбекистон Республикаси Ижодкор арбоблар Жамғармаси ҳамюртларимизни муборакбод этади!

КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, ХЎЖАЛИКЛАР, ШИРКАТЛАР ЭЪТИБОРИГА!

Қорақалпоғистон Республикси Тўрткўл шаҳридаги «ХУМР» Сервис маркази Сизларга доимо хизмат қилади.

Сиз келишилган нархда ва доимий техник хизматя билан қуйидаги маркадаги қишлоқ хўжалик тракторлари ва уларнинг барча эҳтиёт қисмларини

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

«МТЗ—80 У» «МТЗ — 82 Х»
«МТЗ — 80 Л» «МТЗ — 82 У»

Шунингдек «Д—240» маркали дизель моторлари, «К—700», «КамАЗ ва енгил автомашиналарнинг шиналари.

Марказнинг манзили: **Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳри, Қирққиз шоссеси, 22 бино.**
Телефон рақамлари: **2-31-38. 2-30-94.**
Марказнинг ҳисоб рақами — **№ 387622 АКБ г. код. 1795014027.**

Сервис маркази билан телефон орқали ҳам шартнома тузишингиз мумкин.

Сизга ёзув машинкаси керак. Шундайми? Унда

.АСҚАР.

фирмаси Сизга ёрдам беради!

☐ ўзбекча,русча, лотинча алифбода
☐ 16 та ҳарф
☐ тезкор ва диск хотираси
☐ банк ҳужжатларини босмага тайёрланган бланклари

"АСҚАР" фирмаси, шунингдек мамлакатимизда ишлаб чиқарилган арзон компьютерларни , уларни ўрнатиш, кафолатли хизмат кўрсатиш, дастурий таъминот ва ўқитиш каби хизматларни

таклиф этади.

Бизга қўнғироқ қилинг: (3712) 77-76-32
Манзилгоҳимиз:
Тошкент, Чилонзор-2, 48-уй.

Келгуси сонда:

● **УСТОЗ ВА ШОГИРД: 56 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ СУҲБАТ.**

● **ЖАБРДИЙДАЛАР.**

Газета саҳифаланаётганда

ҚИЛМИШИГА МУНОСИБ ЖАЗО

Ўтган йил ноябрь ойида содир бўлган воқеа: қутурган пиянисга бегуноҳ одамни ушлаб олиб, кетма-кет пичоқ ура бошлади, ваҳшиёна зарбалар оқибатида наманганлик шоир Эргаш Ёндош ҳалок бўлди.

Наманган вилоят судида шоирга қилинган ҳужум ҳақидаги иш кўриб чиқилди. Бегуноҳ инсон тасодифан аблаҳнинг қурбони бўлгани аниқланди. Қотил Поп туман умумий овқатланиш корхонасининг ошпази К. Ҳакимов эди.

Вилоят суди К. Хакимовни ўтакетган шафқатсизлик ва безорилик билан одам ўлдиргани учун Ўзбекистон Республикаси жиноят кодекси 80-моддасининг 2- ва 6-бандларига биноан олий жазо — ўлимга ҳукм қилди.

(ЎзА мухбири).

И-е, йўғе, наҳотки?!

ТИЛИ ҚУТҚАРИБ ҚОЛДИ

Қозоқлар «бошга бало — тилдан» дейишади. Бироқ тилни ишлата билсанг фойдаси кўп. Ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеа Франциянинг Лион шаҳрида бўлган.

Бир неча ўғри дўконга бостириб кириб, 25 ёшли сотувчининг оёқ-қўлини боғлаб, ўзларига керакли бўлган нарсаларни танлаб олишга кириша бошлади. Шунда зийрак сотувчи ўта эҳтиёткорлик билан телефон трубкасини тумшуғи билан итариб тушириб, тилида полиция номерини терди ва албатта, дўконнинг маконини айтиб улгурди.

ТИРИК СОЧ

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳрида яшовчи 48 ёшли, уч боланинг онаси, Андреа Гернандеснинг сочи ўта сезувчан. Ҳатто қўлингизни теккизмасингиздан у ўзини ёмон ҳис қила бошлайди. Андреанинг сочини олиб ҳам бўлмайди. Қирқиш у ёқда турсин, бир тола сочи эътиборсизлик билан юлиниб қолса борми. ундан қон оқиб, инсон боласи бардош беролмайдиган оғриқ пайдо бўлади. Тиббий текшириш шуни кўрсатмоқдаки, Андреанинг сочи оддий сочлардан фарқли ўлароқ, тирик ҳужайра қон томирларга эга экан.

Андреа Гернандеснинг сочи ўсгандан ўсиб, ҳозир икки метрга етган. Ҳозирги кунда унинг сочи шифокорлар билан тиббий ходимларнинг илмий-текшириш объектига айланган.

Қ. ТУЛЕБОЕВ тайёрлаган.

Спорт

МАҲБУБАНИНГ ИҚРОРИ

Футбол юлдузлари доимо диққат марказида бўлишлари табиий. Уларнинг нафақат яшил майдонда, балки кундалик турмушда ўзларини қандай тутишлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотади. Шунинг учун ҳам турли нашрларда баъзан рост, баъзан ёлғон-яшиқ хабарлар пайдо бўлиб туради. Ана шундай хабарлардан бири инглиз матбуотида чоп этилди ва машҳур футболчи Пол Гаскойн (ишқибозлар уни «Газза» деб ҳам аташади) ҳаётидан ҳикоя қилиб берди.

Италияда Газза билан икки кунгина яшашга бардош берган 26 ёшли малласоч гўзал Шерил Кайл Лондоннинг Хитроу аэропортида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Гаскойн билан яшаш — бу ёмон тайёрланган спагетти деган гап! Пол фақат футбол билан яшайди. Мен унинг учун гўё бир бурчакда турган гуллар солинган гулдондек эдим. У машқ қилиб бўлгунча ҳеч қаёққа чиқмай соатлаб кутиб ўтирардим. Бироқ...

Гаскойнга Римда ҳар бирининг баҳоси 50 минг долларлик машина олиб беришган. Бу «ўйинчоқлар» унинг учун ҳаёт маъносига айланган. Полни Апеннин оролларида «Лорд Газза» деб аташларида жон бор: у ҳақиқий итальян аслзодасидек яшамоқда.

Шерил Гаскойн тўп сураётган «Лацио» клубига 12000 долларга тушган 16 хонали виллада яширинишга мажбур бўлганидан арз қилди. Полнинг кунига камида 5 марта-дан Англияда қолган онаси билан гаплашиши натижасида телефон учун бир ойга 1600 доллар тўланаркан. Гаскойн одатда пиво ва винони тўйиб ичаркан. Ярим кечада «Фиат»ини ҳайдаб Санта-Мария майдони сари йўл олар, у ердаги фаввора атрофида тўхтовсиз клаксонга пуфлаганча айланаркан. Бундай кўнгилхушликлар италиялик журналистларнинг Полни оддий инглиз туристи билан, — доимо маст ва бетамиз одам билан солиштиришлари учун туртки бўлди.

Охири бахайр бўлсин...

ОЙНИНГ УН БЕШИ...

Оддий арифметика йўли билан ҳисобланса тугаб бораётган мавсумда «Барселона» муваффақиятсиз қатнашди. Аввалига СССРнинг сўнгги чемпиони МАСКка баҳсни бой бериб Оврупо чемпионлар лигасига чиқа олмади ва бир неча миллион доллардан (турли манбаларга асосан 5 млн. дан — 15 млн.гача) қуруқ қолди. Сўнгра Токиода қитъалараро кубок учун ўйинда Лотин Америқосининг энг кучли жамоаси Бразилиянинг «Сан — Паулу» клубига ютқазиб қўйди. Иккинчи давранинг ўрталарига қадар миллий чемпионатда ҳам пешқадамликни қўлга кирита олмади. Чемпионлар кубоги соҳибининг бундай «бўш» ўйнаши туфайли жамоага беш йилдан бери мураббийлик қилаётган афсонавий Йохан Круифф ўз вазифасидан кетармиш деган гап тарқалганда деярли ҳеч ким ҳайрон бўлмади.

Аммо «Барселона» намойиш этаётган ҳужумкор ўйин стадионга ўн минглаб мухлисларни чорлашда давом этгани боис клуб эгалари «чора» кўришга шошилмадилар. Аксинча, Круифф билан шартнома яна икки йилга узайтирилди. Ушбу битимга асосан 45 ёшли мураббийга йилига 2 млн доллар маош белгиланди. Шунингдек, Голландия терма жамоаси 1994 йил ёзида АҚШда ўтадиган жаҳон чемпионатининг финал баҳсларига йўлланма олса, Круифф терма жамоага устозлик қилиши учун имкон яратилиши ҳам кўзда тутилган.

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ» деганлари рост. «Барселона» Кубок эгалари кубоги соҳиби — Олмониянинг «Вердер» клубини енгиб «Суперкубок»ни қўлга киритди. Ниҳоят, Испания чемпионатида якка пешқадам бўлиб ҳам олди.

«Барса» ва Круифф «ажралишадиганга» асло ўхшашмайди.

Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ тайёрлади.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: **М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ** (*бош муҳаррир ўринбосари*), **Н.ЖАЛИЛОВ, К.ЖУМАНИЁЗОВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ** (*масъул котиб*), **Қ.ЭШМАТОВ.**

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ
газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

☎ **ТАҲРИРИЯТ:** ☎
хатлар ва оммавий ишлар – 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими – 32-57-93; ижодкор ёшлар – 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик – 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш – 32-53-98; тижорат – 32-58-48; қабулхона – 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ»нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6
Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130 Буюртма Г—179. 64052 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди. 19.00 да